
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
27 июнь
Чоршанба
№ 120 (13.556).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Носиржон — афғон уруши қатнашчиси. Умрининг бетакрор даври-ҳалбига кенгликлар, кучоғига дунё сиғадиган паллада жангу-жадал кўрди. Дарё ортидаги айтишга тил ожиз кўргуликларнинг гувоҳи бўлди.

Шукрки, эл-юрт, қавми-қариндошлари бахтига омон қайтди. Жангтоҳларда кўзи қотган эмасми, эндиликда элдошлари ташвишига шерик. У ҳозир Наманган вилоятидаги Янгиқўрғон ноҳиясининг Ильич номли давлат хўжалигида механизаторлик қилаяпти. Ҳаётни, тирикликни кўпроқ қадрлайди.

СУРАТДА: Носиржон Бурҳонов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида

Жумҳурият Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов 25 июнь куни ўтказган кенгашда Тошкент шаҳри аҳолисини гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳри ва вилояти партия, совет идораларининг, Ўзбекистон ССР Госплани, давлат кооперация-қишлоқ хўжалиги қўмиталарининг, жумҳурият Савдо, Соғлиқни сақлаш, Автомобиль транспорти, Ички ишлар вазирликларининг, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси, Урта Осиё темир йўлининг раҳбарлари неча марталаб қилинган огоҳлантиришларга қарамай, тегишли хулосаларни чиқариб олмаганликлари ва натижада шаҳарликларни мева-сабзавот маҳсулотлари ва гўшт билан таъминлашнинг аҳволи ҳали ҳам жуда мушкул бўлиб турганлиги қайд этилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари билан савдо қиладиган бозорларга ва ярмаркалар етарли равишда ташкил этилмаган, кооператив-гўшт билан савдо қилишда узилишлар бўлиб турибди, колхоз бозорларида сабзавот ва меванинг айрим турлари нархи ҳамон ошиб бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекбирлашув бошқарувининг, Тошкент шаҳар маҳаллий Советлари ижроқўмларининг, Тошкент деҳқончилик-саноат қўмитаси ходимларининг иши қаттиқ танқид қилинди, улар маҳсулот тайёрлаш ва сотишни ташкил этишда ҳамон ошиб мазлаш ва сусткашликка йўл қўяётганликлари айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг озиқ-овқат маҳсулотларини жумҳурият ташқарисига олиб кетишни чеклаш хусусидаги қарори тўла-тўкис бажарилмаяпти. Бу нарса кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг қатъиятсизлиги ва кўпинча чала-кам-чатти чоралар билан чекланаётганлигининг оқибатидир.

Саноат корхоналарида, талабалар шаҳарчаларида, мева-сабзавот савдосининг ташкил этилиши жуда ташвишли аҳволга ташлаб қўйилган. Айрим раҳбарлар ва меҳнат жамоаларининг кенгашлари ўз ходимларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда лоқайдлик қилаётганликлари қайд этилди.

Улар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида, саноат корхоналари яқинида ва ҳудудида савдо объектларини қуриш учун маблағларни бирлаштириш соҳасида колхоз ва совхозлар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаяптилар.

И. А. Каримов ўз нутқида бутун куч-ғайратни Тошкент шаҳрини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга сафарбар қилиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, Тошкент шаҳар Шўросига саноат корхоналари, талабаларнинг ётоқхоналари яқинидаги, маҳаллалардаги ва шу каби жойлардаги мева-сабзавот маҳсулотлари сотадиган мавсумий дўконларнинг жойланишини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиш, шаҳар саноат корхоналари билан Тошкент вилоят колхоз ва совхозлари ўртасида июль ойининг биринчи ярмида бевосита шартномалар тузишни ниҳоясига етказиш таклиф қилинди. Савдо тармоғини кенгайтириш ва таъминотни яхшилаш мақсадида бу ишга жумҳурият савдо вазирлигининг чакана савдо корхоналарини жалб этиш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига, Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга, Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат қўмитасига иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланиш, савдо, тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларининг майда корхоналарини, умумий овқатланиш объектларини ижарага, жамоа ва хусусий мулкка дадилроқ топшираверишни тавсия қилинди.

Жумҳурият Молия вазирлигига чорва ва парранда харид қилиш ҳамда сотиш муносабати билан матлубот кооперациясининг харажатларини қоплаш, маблағларни топиб, унга бериш топширилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида мева-сабзавот маҳсулотларини кўплаб тайёрланадиган даврда вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган штаб тузишга қарор қилинди. Жумҳурият вилоятларидан Тошкент шаҳрига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташиб келтиришнинг аниқ жадвалини ишлаб чиқиш, мева ва сабзавотни завод ва фабрикаларда, йирик умумий овқатланиш корхоналарида сақлаш учун қўшимча жойларни қидириб топиш, шу иш учун маҳсулот асрашнинг халқ усулларидан ва табиий шароитдан фойдаланиш тавсия этилди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш, уни ҳеч нобуд қилмай меҳнаткашлар дастурхонига етказиб беришга тайёргарлик кўриш ва бу ишни ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишга кенгаш қатнашчиларининг эътибори қаратилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросининг аъзолари С. М. Мамарасулов, А. И. Фозилбеков ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашдилар.

«Бухоро ҳақиқати» — 70 ёшда

Бухоро меҳнаткашларининг даврий матбуоти қалдирғоч «Кутилиш» рўзномаси уч минг нусхада чоп этила бошланганига 28 июнда 70 йил тўлади. Ўтган шу давр рўзномамиз ўзига хос тарихга эга. Халқ инқилоби ғалаба қозониб, Бухорода Шўро ҳокимияти ўрнатилгач, рўзнома «Бухоро ахбори» номи билан биринчи сони 9 сентябрда чиққан.

Шундан кейин рўзнома 1923 йил 16 октябрда «Озод Бухоро», 1930 йил 1 октябрида «Бухоро пролетари» номлари билан чиққан, 1938 йил 24 апрелдан то ҳозирга «Бухоро ҳақиқати» номи билан чоп этилиб келинмоқда. Рўзнома жамоа хўжаликлари тузиш ва индустрлаштириш, Улуғ Ватан уруши ва тинч қурилиш йиллари — хуллас, ўтган давр мобайнида жамоачи ташвиқотчи ва жамоачи ташкилотчи ролини адо этиб келаяпти. Ҳозир рўзнома 50 минг 500 нусхада чоп этилаётир.

«Кутилиш»дан то «Бухоро ҳақиқати»гача бўлган даврда рўзномага Муҳаммад Саид Аҳрорзода, Абдулҳамид Сулаймон [Юнусов], Зиё Усмоний, Остонқул Абдуқаюмов ўғли, Рустам Абдураҳмонов, Ашур Бозоров, Турғун Ёқубов, Отажон Тошхўжаев, Абдураҳим Нурмуҳаммедов, Йўлдош Муҳимов, Ойлоқул Эгамов, Ҳомиджон Мўминов, Тошпўлат Ҳамид, Умид Сатторов сингари истеъдодли ижодкорлар муҳаррирлик қилишган.

Қутлуғ тўйингиз муборак бўлсин, ҳамкасблар!

Иқтисод ва ҳаёт

Бозор: бугун ва эртага

Бугун қаерда борманг, қайси даврага кирманг, кимнинг сўзига қулоқ солманг, етишмовчиликдан, танқисликдан, йўқчиликдан нолиётганнинг гувоҳи бўласиз. Ҳамма жойда миш-миш, шов-шув: «нарх-наво ошармиш», «гўштнинг нархи фалон сўмга чиқармиш», «дўконлардаги молларни исталган нархда сотишармиш»... Миш-миш, фалончи, писмадончи ва ҳоказо...

Яна бир тоифа шахслар бор-ки, уларнинг фикри батамом ўзгача: «Наҳотки, мамлакат иқтисодиёти шу ҳолга тушиб қолган бўлса!» Уруш қатнашчилари сўзлайдилар: «Биз шундай тақчил замонлар учун жанг қилганмидик!» Кўп болали оналар дейдилар: «Фарзандларимизнинг келажаги нима бўлади! Невара-чевараларимиз-чи!..»

Хуллас, халқ орасида, мамлакатда дув-дув гап. Иқтисодиётимизга нима бўлди! Вужудга келган инқироздан чиқиш мумкинми ва мумкин бўлса, қанча муддат талаб қилинади! Ниҳоят, турли доираларда мулоҳаза юритилаётган иқтисодиётнинг бозор муносабатлари ҳақидаги башоратлар, тахминлар қанчалик наф келтиради!

Мухбирларимизнинг иқтисод фанлари доктори Аброл ҚАҲҲОРОВ билан суҳбати ана шу муаммолар ҳақида борди. Эслатиб ўтамиз: А. Қаҳҳаров 12 йил давомида «Ўзбек олтин» ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбарлик қилган. Эндиликда у кадрлар малакасини ошириш тармоқлараро институти директор ўринбосари.



— Аброл ака, бозор муносабатларини жорий этиш шароитида халқ хўжалиги фаолиятини қандай тасаввур қиласиз!

— Узундан-узоқ кириш сўзларисиз тўғридан-тўғри мақсадга ўтсак. Биласизми, иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароити бугунги авлод учун батамом янгилик саналади. Бу тўғрида кейинроқ батафсил тўхталамиз. Аммо хоҳлаймизми, йўқми, биз иқтисодчилар бугунги шароитда бозор муносабатларини йўлга қўйиш йўлларини излашимиз, бунга жавоб топишимиз шарт.

Яқинда «ойнаи жаҳон» орқали СССР ҳукуматининг бошлиғи Николай Иванович Рижковнинг чиқишини эшитдик. Ҳукумат бошлиғининг хулосаларидан кўпчиликнинг кўнгли тўлмаган бўлиши мумкин. Иқтисоддан бехабар кишиларни назарда тутаяпман. Шахсан мен ҳам бундан қониқмадим. Сабаби бор. Николай Иванович тилга олган таклифларни бундан 3 — 4 йил муқаддам таниқли иқтисодчи олимлар — Аганбегян, Заславскаялар айтиб ўтишган эди-ку! У эса харид нархларини илгарироқ оширсак бўлар экан, деди. Мамлакат етакчи олимларининг бундан анча муқаддам билдирган фикр-мулоҳазалари фақат бугунги кунга келиб тан олинаяпти. Вақтида эса бунинг учун эътироз билдирилган эди. Яна Николай Иванович совет кишиларини ўйлаш кераклиги, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш лозимлигини таъкидлади. Менинг билишимча, совет кишисининг ўзи йўқ. Аксинча, рус кишиси, ўзбек, қозоқ, украин кишиси бўлиши мумкин. Совет кишиси дегани мавҳум тушунча, мавҳум шахс.

Назаримда ҳукумат ўз хатосини энди-энди англаётган кўринади.

Энди икки оғиз Аганбегян хулосалари ҳақида. Иқтисодчи олим ўз вақтида бозор муносабатлари тўғрисида бир неча қонуниятлар ҳақида фикрини олға сурган эди. Унинг тезислари биз олимлар учун бозор ҳақида озроқ бўлса-да, тасаввур берганди.

Тушунарлироқ бўлиши учун битта таққослаш келтирмоқчиман. Бизда оилавий муносабатлар ҳақида қонун йўқ. Ҳар бир оиланинг ўз хусусияти, ўз қонуниятлари бор. Агар эрхотин ўртасида можаро қўзғалгудек бўлса, масаланинг моҳиятини, негизини билиб-билмай бурнимизни тиқаверамиз. Худди шунга ўхшаб социалистик бозор муносабатлари ҳақидаям ҳеч ким аниқ билмайди. Чунки инсоният тарихида социалистик бозорнинг ўзи бўлмаган. Бирор нарса ҳақида билим, тушунча бўлмаган тақдирда фол очишлар бошланганидек, ҳозир биз ўйлаётган йўллар ҳам... назариядан бошқа нарса эмас. Аммо, назариядан тезроқ амалиётга ўтиш шарт.

— Кўпчилик олимлар бозор муносабатлари ҳақида гап кетганда, янги бозорни ўзимиз билган бозорларга таққослаш ярамайди, деган фикрни олдинга суришяпти. Шу тўғрими!

— Мутлақо нотўғри. Бозорни бозор билан солиштириш керак эмас, деганлар хато қиладилар. Чунки биз билган бозор, биз бораётган, мулоҳаза юритаётган бозорнинг заррачаси, бошқача қилиб айтганда, негизи ҳисобланади.

Бозор муносабатлари тўғрисида илгари сурилган қоидаларга кўра бозорда ҳамма тенг. Биримиз харидор, иккинчимиз савдогармиз. Фикримча, биринчидан, бозорда имтиёзли харидор бўлмайди, ҳамма тенг ҳуқуқли, иккинчидан, бозорда нарх-навони зўрлаб белгилаш ва назорат қилиш мутлақо мумкин эмас. Бу бозорнинг ўз қонунидир. Учинчидан, бозор ичида биров бировдан хафа бўлиши, гина-кудрат кўтариб юриши ярамайди, тўртинчидан, рақобат бозорга хос кўринишдир, бешинчидан, бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди ва ниҳоят олтинчидан, бозордаги энг устун нарса — бу сифат билан нарх-наводир.

Бозор инсоният пайдо бўлаётган чоғда бошланган. Ушандан буён у такомиллашиб келади. Шундай экан, бозор қонунларини бузиш ёки бунга уриниш ярамайди, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, маъмурий буйруқбозлик ҳам мутлақо номақбулдир. Биз эса бозор нима эканлигини билмаймиз. Тушунмаган нарсага бурнингни тиқавериш эса бундан ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқариши тайин. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керак. Бозор ҳақидаги энг яхши тушунчага эга бўлганлардан бири ўзбек халқидир. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталаман.

Инқилобга қадар савдогарларни маърифат элчиси деб, санаб келишган. Социализмда эса савдогарни ўғри, қаллоб деб атай бошладик. Хориждаги бизнесменлар биздаги чайқовчига тўғри келади. Бироқ муҳожирга чайқовчи тўғрисида гапирсангиз, тушунмайди. Аниқроғи, уларда бундай тушунчанинг, шахснинг ўзи йўқ. Фақат бизнесмен. Биз билган ва ҳар қадамда дуч келадиган чайқовчида ҳадик бор. Яъни молини бозорга элта туриб, йўлда машинаси бузилди, дейлик. Уни зудлик билан тузатса хўп-хўп, акс ҳолда ортган юки, агар у мева-чева, сабзавот бўлса, тамом-вассалом, куядиган деҳқон. Йўлда транспортни созлайдиган, полизи қовжираса сув етказиб берадиган, моли ўтмаса сақлаб берадиган хизматнинг ўзи йўқ бизда.

Яна бир қатъий анъана ҳақида айтмоқчиман. Илгарилари куёвга қиз берадиган томон бўлғуси қудаларидан сўрарди: куёв боланинг насл-насаби ким, бозор қилишни биладими, агар у бозорда савдолаша олса, демак, рўзғорни ҳам тебратади. Рўзғорни тебратадими, демак қизимизни, оиласини эплаб кетади.

Ёки яна бир манзара. Илгарилари бозор олдидаги чойхонада чоллар ўтиришарди. Улар учун кундалик бозор, кундалик рўзномадек эди. Энди маданиятни қаранг, сўрида ўтирган чоллар мол етаклаб келаётгандан сўрайдилар: неча пулга сотмоқчисиз? Бир пас ўтгач, бозордан бошқа бир харидор молни етаклаб чиқади. Чоллар сўрайди: қанчага тушди?

Харидор қанчага олганини айтиши билан чоллар: «жуда яхши олибсиз, кеча бу молнинг нархи қимматроқ эди. Сиз эса арзон олибсиз. Буюрсин» деб қўйишарди. Энди ана шу нарсанинг маънавий томонини оладиган бўлсак, ўша харидор қанчалик қимматга олган бўлишига қарамасдан, биргина чойхўр кимсаларнинг гапидан енгил тортади. Мана сизга Шарқ бозори маданияти.

— Аброл ака, бозор хўжалиги ҳақида гап-сўзлар бошланибдики, дўконлар қуриб бораяпти. Аҳоли нархи оширилиши эҳтимол бўлган молларни, маҳсулотларни талаб кетяпти. Ушбу манзарани қандай изоҳлайсиз!

— Ҳаммасига хўжасизлигимиз сабабчи. Агар давлат бой бўлганда миш-мишлар натижа бермаган бўлур эди. Буни қаранг, бир оғиз билиб-билмай айтилган гап қанчалик оқибатларга олиб келди. Хўш, ўша

(Давоми 2-бетда).

Абитуриентлар, сизлар учун!

Академик шоиримиз Ғафур Ғулом қаламига мансуб шоҳ сатрлар шодасидан бир тизим туҳфа этмоқни ихтиёр этганимиз бесабаб эмас, албатта. Ўқиш истаб турли вилоятлардан келган йигит-қизлар ўз ҳужжатларини олий ўқув юртлари қабул комиссияларига топшира бошладилар.

Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ўқув-методик бош бошқармасининг бошлиғи Б. ҚОДИРОВ билан учрашди.

— Баҳром Ғафурович, редакциямизга келаётган хатларнинг салмоқли қисмини у ёки бу институт, техникум ва билим юрти қаерда жойлашганини сўраб ёзилган мактублар ташкил этади. Бундай хатлар сизларга ҳам кўп келса керак. Шунинг учун вақтни тежаш, қолаверса, абитуриентларга қулайлик яратиш мақсадида ҳар йили бўлмаса-да, лоақал беш йилда бир марта ўқув юртлари манзили ёзилган кичик, чўнтакда олиб юришга мўлжалланган китобча чиқарилса бўлмайдими!

— Биз ҳам шу фикрдамиз. Лекин хоҳишнинг ўзи кифоя эмас. Гарчанд бу иш бир қарашда хамирдан қил суғиргандек осонгина битадигандек туюлса-да, анча-мунча азият чекишимизга тўғри келади. Китоб чиқариш билан боғлиқ ҳар хил борди-келдиларни мустасно этганда ҳам, талай муаммоларга дуч келишимиз турган гап. Бундан ташқари, менинг назаримда, бу чўнтак китобда ўқув масканларининг қаерда жойлашганлигигина эмас, балки у ерда қандай ихтисосларни эгаллаш мумкинлиги, қолаверса, у ёки бу ихтисос эгаси бўлган одамни қандай истиқбол кутаётганлиги тўғрисида ҳам тўла маълумот бўлиши зарур, деб ўйлайман. Биз эса ҳозир бундай имкониятга эга эмасмиз. Чунки, хабарингиз бор, кейинги йилларда жумҳуриятларимизнинг ўзида бир неча институт филиаллари ёпилиб, бир нечаси пайдо бўлди. Икки вазирлик ва бир давлат қўмитаси бирлашиб, қисқа фурсатдан сўнг алоҳида вазирликка ажралди. Қисқаси, ташкилий масалалар ҳам бизга махсус китоб устида хотиржам ишлашга қўймади.

Шу ўринда мутахассисликлар бўйича қабуллар ва мутахассисларни қайси тилда тайёрлашда ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлиб турганига эътиборингизни тортмоқчиман. Маълумки, жумҳуриятимиз аҳолиси кўп миллатли. Кейинги воқеалар ана шу вазиятни ҳам кўздан қочирмасликни тақозо этмоқда. Турли тиллардаги мактабларнинг кўпайиши уларни ўқитувчилар билан таъминлашни ўртага қўяётир. Шунга кўра, қатор педагогика институтлари ана шу муҳим вазифани бажаришга киришди.

Кўриниб турибдики, биз чиқарадиган китобчада таъкидлаб ўтганим ва вақт тиғизлиги туфайли мен ҳозир батафсил сўзлаб беролмайдиган яна бир қанча жиҳатлар ўз ифодасини топмоғи лозим. Токи мазкур китобчани қўлига олган абитуриент қаерга ва қандай мутахассисликка бораётганини чуқур англаб етсин. Ҳозирча эса йигит-қизларга қабул тўғрисида вақтли матбуотда берилаётган эълонларни муттасил кузатиб боришни маслаҳат беришдан бошқа иложимиз йўқ.

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТУР ОДАМ...

— Нима учун «аъло»га ўқиб туриб ҳам кўпчилик ўзига ишонмайди!

— Албатта, мактабдаги баҳо билан институтга кириш чоғида олинадиган баҳо ўртасида фарқ катта. Яъни мактабда қўйилган баҳо олий ўқув юртида ўз тасдиғини топмаяпти. Бу бир-икки йиллик гап эмас, ўн йиллардан бери аҳвол шу. Натижада ўқувчида билимга ҳам, ўқитувчилари қўйган баҳога ҳам ишончсизлик пайдо бўлаётир.

Бунинг сабаблари кўп. Асосий сабаблардан бири, бу мактабда ўқитувчиларнинг у ёки бу синф ўқувчиларини уларнинг билим даражасидаги ўзаро фарққа кўра баҳолашидир. Ҳақиқий билим мезони эса унутилмоқда. Қизиғи шундаки, битирувчи синф ўқувчиларига «икки» баҳо қўйилмайди. Ҳеч бўлмаса, «уч» қўйиб чиқариб юборишади..

— Ваҳоланки, СССР Халқ таълими Давлат қўмитаси мактаб маъмуриятига ўзлаштирмаган битирувчи ўқувчининг гувоҳномасига баҳо ўрнига «шу фанни ўқиган» деган ёзувни қайд этишгача рухсат бериб қўйибди.

— Афсуски, бу нарса амалда ўз аксини топмаяпти. Ўқитувчилар бунга юрак ютолмаяптилар.

— Чунки шундай қилишгудек бўлсалар, биладиларки, юқори органлар бу «мардлик»нинг тагига етмагунча комиссия устига комиссия йўллаб, мактабни «илма-тешик» қилиб юборалар.

— Бу ҳам аслида эскича тартибда фикр юритишнинг оқибати. Мендан кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутишга ўрганиб қолганимиз эса ўз оёғимизга болта бўлиб тушаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Биласизми, нега айрим мактаб ўқитувчилари комиссиядан қўрқадилар? Шунинг учунки, уларнинг ўзида етарли билим йўқ. Мулла билганини ўқийди, деганларидек, чала ярим билим берганлари учун ҳам ўқувчиларга талабчанлик қила олмайдилар. Ва шунга кўра, ошириб баҳо қўядилар: «икки» ўрнига «уч», «тўрт» ўрнига «беш».

Булар мактаб ўқувчилари билимининг олий ўқув юртида тасдиқ топмаслигининг бир томони. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Олий ўқув юртларининг баъзи домлалари мактаб дастурини ҳисобга олмай, абитуриентларни имтиҳон қиладилар.

— Бу азалдан бор гап.

— Биз ана шу ҳолатни қайд этиб қўя қолмай, унга барҳам бериш учун бир янгиликка қўл урдик. Яъни, ўқувчига ўрта мактаб қўйган талаб билан олий ўқув юрти қўядиган талабни ўзаро мувофиқлаштириб олиш мақсадида, институт қабул комиссияси таркибида ишлашга тавсия этилган домлаларни ўз фанлари бўйича ўрта мактаб программаси асосида тасдиқдан ўтказяпмиз. Тасдиқдан ўтган ўқитувчиларгагина кириш имтиҳонларини олиш ҳуқуқи тўғрисида ваколат қоғози (сертификат) берилади.

— Тасдиқдан ўтолмаган домлалар ўрни қандай тўлдирилади!

— Бунинг ҳам чорасини кўриб қўйганмиз. Уларнинг ўрни мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва педагогика техникумлари ўқитувчилар кенгашлари ҳамда ноҳия халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими бошқармалари тавсия этган, ўз фани бўйича аттестациядан ўтган педагоглар билан тўлдирилади.

— Лекин ҳанузгача қонунлаштириб қўйилган айрим имтиёзлар, аслини олганда, истеъдодли ёшларни институтга қабул қилишга тўсқинлик қилиб келаётганини тан олмай иложимиз йўқ. Масалан, бу йилги қабул қоидаларида айтилишича, 1990-91 ўқув йилида ҳам қишлоқ жойларда доимий яшаётган ва педагогика мутахассислигига кираётган шахслар мақсадга йўналган қабул асосида белгилаб қўйилган ўринга бош даъвогар бўлиб қолаверадилар. Ўртамиёна абитуриент — ўртамиёна талаба, ўртамиёна талаба эса ўртамиёна мутахассисдир. Бу биз ҳозир ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга зид эмасми!

— Энди масалага бошқачароқ ёндашайлик-а. Мана сиз шаҳарликсиз. Ахир ҳозир сизга фалон қишлоққа бориб ишлайсан, дейишса, борасизми? Шаҳар шароитига ўрганган киши қишлоқдаги ҳаётга кўникиши қийин. Шундай экан, қишлоқларда ўқитувчилар етишмай турган бир пайтда, яна қандай йўл тутиш мумкин? Имонли, юрагида озгина ғурури бўлган одам ўзига кўрсатилган ғамхўрликни (мен имтиёзни ғамхўрлик деб атагим келди) суиистеъмол қилмаса керак. Эскичасига айтганда, ўзларига инсоф берсин. Уларга берилган имтиёз қишлоқ аҳли олдидаги мамлакат узиши лозим бўлган қарзнинг кичик бир бўлаги эканлигини унутмайлик. Вақти келади, бу имтиёзларга ҳожат қолмайди. Аммо ҳозир бошқа йўл йўқ. Оқибатини билиб туриб, айни вақтда эзгуликка умид боғлаб, шундай қилмоқдамиз. Бунинг учун бошқа абитуриентлар бизни кечиради, деб ўйлайман.

— Қабулдаги мавжуд тартиб қанча давом этса, норозиликлар ҳам шунча давом этадигандек туюлади, назаримда.

— Агар эътибор қилган бўлсангиз, кейинги уч-тўрт йил ичида қабул қоидаларига жуда кўп ўзгаришлар киритиляпти. Уларнинг ҳаммаси ҳам биз кўзлаган мақсадга тўла жавоб беряпти, деб айтолмасак-да, ҳар ҳолда бу масалада маълум, узоқ йилларга мўлжалланган муқим қоидаларни ишлаб чиқиш томон изланиш бораяпти. Менинг фикримча, қабул қоидалари шундай тузилиши кераки, у ўқишни истаган ҳар бир киши учун йўл берсин. Айни вақтда қабул қоидалари матни билан танишган ҳар бир киши олий ўқув юртида ўқиш шунчаки бир ҳавас бўлмай, катта масъулият эканини ҳис қиладиган бўлсин. Эҳтимол, яна ўн йилдан кейин олий ўқув юртига тўғридан-тўғри мактабдан, мактаб педагогик кенгашининг қарори билан, давлат имтиҳонида олинган баҳоларга асосланган ҳолда йўлланма бериладиган бўлар...

Хуллас, олий ўқув юртига кириш, бу мақсад эмас, мақсадга элтувчи зинапоялардан бири холос. Буни бир зум бўлсин, унутмаслигимиз лозим...

З. РИХСИЕВ суҳбатлашди.

РЕДАКЦИЯДАН: Албатта, қабул — бугунги куннинг энг долзарб мавзуси. Биз бу масалага яна қайтамиз. Дарвоқе, буни азиз муштарийларимизнинг ўзлари ҳам бевосита амалга оширишлари учун имконият бор. Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазири Комил Юсупович Юсупов 29 июнь жума куни редакциямизга ташриф буюради. Таълим-тарбия масалаларида ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишни истасангиз, Тошкент вақти билан соат 11.00 дан 13.00 га қадар 32-55-84 ва 33-95-97 рақамларини териб, қўнғироқ қилишларингиз мумкин.

Сизларни Халқ таълими вазири Комил Юсупович ЮСУПОВ билан бўладиган «Дилдан суҳбат»га таклиф этамиз.

Саволларингизни кутамиз.

ОТА ЙЎЛИДАН

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. 1966 йилда ҳунар-техника билим юртини муваффақиятли тугатиб, слесарь-асбобсоз ихтисосини эгаллаганида 17 ёшда эди. Демак, ҳаётда ўз йўли ва ўрнини белгилаш палласи. Унинг олдида йўллар кўндан-кўп эди. Лекин Рафиқ Қодиров ҳеч иккиланмай темир йўлчилик касбини танлади.

Рафиқ Қўқон шаҳридаги локомотив депосида ишлаган пайтидаёқ бу иш шунчаки жўн эмаслигига ишончи комил бўлди. Тепловоз машинисти бўлиш ва йўловчиларни кўрсатилган манзилга аниқ муддатда элтиш учун сидқидилдан меҳнат қилиш тақозо этади. Йўл ўзига эътиборсизликни ва бепарволикни ёқтирмайди. Шундан ҳам ўзи танлаган йўлдан тоймай, ота ўгитларига қаттиқ амал қилди. Бундан ташқари ана шу касбни танлаган акаларининг маслаҳатларини инобатга олди.

Қодировлар исми-шарифи депода иззат-икром билан тилга олинарди. Аввал пенсияга кетганидан кейин ота ўрнини эгаллаган катта акасига тенглашишга ҳаракат қилди, ота эстафетасини қўлга олган Рафиқ Сатторович ҳам тез орада ҳалол, меҳнаткаш, техник жиҳатдан саводхон, ўз касбига меҳр қўйган киши сифатида обрў-эътибор орттира борди. У поездларни графикда кўрсатилган муддатига қатъий амал қилар, дизель ёқилғисини иқтисод қилиб қолишга эришарди. Деподаги ремонтчилар билан узвий алоқа ўрнатганлиги тепловозни ҳамиша техник жиҳатдан соз ҳолда бўлишини таъминларди.

Рафиқ Сатторович Қодиров фақат меҳнатдагина илғор бўлиб қолмай, балки жамоат ишларида ҳам фаол, эксплуатация цехи фирқа бюросининг аъзоси. Фирқа йиғилишларида ўткир масалаларни ўртага қўя билади. Кўпчилик ташвишини ўз ташвиши деб ҳисоблайди. Бежиз уни КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайлашмаган.



СУРАТДА: Қодировларнинг катта ва иноқ оиласи.

Ш. АЛИМОВ сурати (ЎзТАГ).

БОЗОР: БУГУН ВА ЭРТАГА

(Боши 1-бетда).

ортиқча сотиб олинган ун ва гуручларнинг, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳволи нима бўлади? Миталайди. Қурт-қумурсқа босади. Қарабсизки, яна оддий меҳнаткаш зарар кўради, изтироб чекади. Уволичи, кимни тутади?..

— Халқ орасида шундай ташвишланиш бор. Улар молларимиз четга чиқарилаётганидан куйиниб ёзишмоқда, турли минбарлардан туриб куйиниб гапиришмоқда. Айтинг-чи, ана шу безовталанишлар асослими?

— Агар маҳсулотларимиз четга чиқса, унга талаб ва эҳтиёж бўлса, бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак. Чунки экспорт орқасидан чўнтагимизга чет эл валютаси келиб тушади. Валютанг борми, чангалда шўрва. Унинг эвазига исталган хориж давлатидан керакли молни харид қилиш мумкин. Булар ўта замонавий тиббиёт жиҳозлари, дори-дармон, саноатимиз учун керакли асбоб-ускуналар, дастгоҳлар. Агар четга чиқариш деганда хом ашё назарда тутиладиган бўлса, бунга мен мутлақо қаршиман. Боз устига бу иттифоқ маркази орқали амалга ошириладиган бўлса.

Ахир адолатданми? Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толасининг 87,5 фоизи, қоракўлнинг 88 фоиздан зиёдроғи, табиий жуннинг 70,5, сунъий толанинг қарийб 93 фоизи ва бошқа хом ашёлар асосан Иттифоқ маҳкамаларининг қўли билан жумҳуриятдан ташқарига чиқиб кетаяпти.

— Шу пайтгача давлат буюртмасидан ортиқчасини четга сотиб келдик. Бу борадаги нуқтаи назарингиз қандай?

— Биздаги давлат буюртмаси бу — давлат буюртмаси эмас. Буюртманинг энг биринчи белгиси бу — кўнгиллилик бўлмоғи керак. Энди қаранг, бошқа мамлакатларда компаниялар, фирма ва ширкатлар, корхоналар давлат буюртмасини излаб, овора-ю-сарсон бўлиб юришади. Томонлар тузган шартноманинг муддати узоқ бўлади. Бу биринчиси, иккинчидан, буюртмани бажарувчи юзага келган муаммоларни фақат давлат йўли билан ҳал қилади. Учинчидан, корхонада бирор кори-хол юз берса, давлат ёрдам беради. Тўртинчидан, корхонага солиқларни тўлашда давлат кўмаклашади ва ниҳоят, барча масалалар кўнгиллилик асосида ҳал этилади.

Бизда-чи? Давлат буюртмаси бу — давлат режасининг, топшириғининг янги бир кўриниши, холос. Аслида қандай бўлиши керак, деб сўрашингиз мумкин. Юқоридан тушаётган давлат буюртмаси ёқмадими, корхона уни олмаслиги керак. Бундай буюртмани олиш учун корхонанинг ўзида майл, истак бўлмоғи керак.

— Шу кунларда бозор хўжалиги ҳақида турли доираларда турлича баҳс-мунозара, муҳокама давом этмоқда. Сизнинг мутлақ фикрингиз!..

— Ҳа, бировлар бозорга тезроқ ўтишни маслаҳат бераяпти. Бошқалар тайёргарлик кўриб ўтишни маъқулроқ деб ҳисоблашмоқда. Кейинроқ ўтишни таклиф этаётганлар ҳам йўқ эмас. Менимча, қанча вақт ўтаверса, одамлар кайфияти шунчалар ёмонлашаверади. Қанчалик судраганимиз билан чириган тишни суғириб ташлашга тўғри келади. Аммо бозор иқтисодиётига ўта туриб нон, шакар, ёғ, гўшт ва шу сингари тўрт-беш хилдаги маҳсулот нархини сира оширмаслик керак. Акс ҳолда билмадим, нима бўлади...

Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпчиликка маълум. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун 29 та ҳужжат қабул қилиш керак. Бу иш қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик яхши. Бундан ташқари бизда кўп нарса мулкка айлантирилмаган. Тўғрироғи, мулкнинг ўзи йўқ. Бу масалани зудлик билан ҳал қилиш зарур.

Хулосам шундай, бозор иқтисодиётига тезроқ ўтиш керак. Аммо ҳужжатларсиз, қонунларсиз, халқ манфаатини ўйламасдан туриб эмас. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидламаслик мумкин эмас. Бозорни бошқариб бўлмайди, унга фақат таъсир қилиш мумкин, холос. Бозор муносабати бўлиши учун одамлар тадбиркор, билимдон бўлмоқлари даркор.

— Биласизми, жаҳон бозорида аслида йўқ нарса қиммат туради. Бизда эса бунинг батамом акси бўлиб келмоқда. Бу бизнинг бозор хусусидаги тафаккуримиз етишмаслигидан десам, хато бўлмас.

— Тўғри, тадбиркорлик борасида жумҳуриятимизда кўп ишлар қилина бошланди. Деҳқонларга ерларнинг бўлиб берилиши ана шундай хайрли тадбирлардан биттаси. Баъзи жойларда 6 сотихдан ер берилаяпти. Шаҳарлик учун бу катта майдон. Аммо қишлоқ аҳолиси учун 6 сотих нима деган гап? Агар зарур бўлса, одамларга ярим гектаргача ер бериш керак. Чунки кичик ерда кўп нарса етиштириб бўлмайди, тўғрироғи барака, салмоқ деган нарса бўлмайди. Шундай қилингандагина ишсизлар қолмайди. Ерлар гуллаб-яшнайди. Кези келганда Американинг 3 фоиз аҳолиси бутун Қўшма Штатларни боқаётганлигини унутмаслигимиз керак.

— Аброл ака, сиздан яна бир нарсани сўрамоқчи эдик, биз «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп йиллар раҳбар бўлганингизни биламиз, шу боисдан ҳам жумҳуриятимиз ер ости бойликлари ҳақида тўла тасаввурга эгасиз, деб ўйлаймиз. Айтинг-чи, мана шу бозор иқтисодиёти шароитида ер ости бойликларининг тақдири нима бўлади?

— Бу масала хусусида батафсил ва кенгроқ тўхталмоқчи эдим, агар вақтларингиз етарли бўлса.

— Бемалол.

— Гап шундаки, кейинги пайтларда ким билан гаплашманг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган жумҳуриятимиз ер ости бойликлари тўғрисидаги тахмин ва гумонли фикрларни эшитасиз. Нега шундай? Сабаби жуда жўн: биз капиталистик мамлакатларнинг қайси бирида қанча олтин қазиб олинаётганлиги, захираси қанчалигини яхши биламиз. Аммо, ўз мамлакатимизнинг қайси конидан қанча хом ашё олинаётганлиги, умуман олтин ҳақида тузукроқ тушунчага эга эмасмиз. Аслида, буни яширишнинг ҳожати йўқ. Ана шу соҳага масъул бўлган кишилар ўзларини жуда катта сирни биладигандек тутишади ва шу орқали бошқалар назарида энг керакли кишилар бўлиб кўринишни исташади. Маълумки, бугунги кунда жаҳон бозоридаги олди-берди, савдо-сотиқ, олтинсиз бўлмайди. Бизнинг мамлакатимиз ҳам бу муомаладан четда эмас. Бир пайтлар, аниқроқ қилиб айтганда, 60-йилларнинг бошида биз Америка Қўшма Штатларидан катта олтин эвазига дон сотиб олганмиз. Ўша вақтларда бу анчагина шов-шувларга сабаб бўлганди. Ҳозир ҳам фақат соф олтин эвазига маҳсулот сотиб олувчи давлатлар бор. Олтин хазинасини тобора бойитаётган давлатлар ичида тўрттаси машҳур. Булар Япония, Гонконг, Сингапур ва Жанубий Кореядир. Уларнинг бойиб кетишига асосан бу ерда иқтисоднинг миллийлаштирилганлиги сабаб бўлмоқда. Иқтисодда миллийлик — бу оқиллик билан иш тутиш, демакдир.

Энди жумҳуриятимиз ер ости бойликлари ҳақида. Агар эътибор билан ўқиган бўлсангиз бу борада алоҳида қонун ҳам қабул қилганмиз. Мен «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги қонунни назарда тутаяпман. Ўша қонуннинг IV бўлими, 20-моддасида шундай сатрлар бор: «Ер ва ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шу территорияда яшовчи халқларнинг дахлсиз бойлигидир». Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, демак, Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудидаги ер ости бойликлари фақатгина шу ерда яшовчи халқларнинг хоҳиш-иродасига хизмат қилиши шарт.

Қонун шу йилнинг март ойида қабул қилинганлигига қарамасдан ҳалигача бу борада бирор ўзгариш сезилмаётир. «Эски ҳаммом — эски тос», деганларидек иш аввалги йўсинида давом этаяпти.

Кўпинча мендан «Ўзбекистоннинг олтини кўпми», деб сўрашади. Мен қандай жавоб беришни билмайман. Негаки, қанча кўп бўлмасин унинг ҳам чеки-чегараси бор. Лекин, оз дейишга ҳам тилинг бормайди. Ахир бутун жумҳуриятни боқишга етадиган миқдорда олтин қазиб олинаяпти. Лекин қаёққа кетаяпти? Нега унда Ўзбекистоннинг 20 миллион аҳолисидан 9 миллиони қашшоқлик даражасида яшаяпти? Шунга ўхшаш саволлар ҳар бир одамда туғилиши табиий. Битта мисол орқали фикримни кенгроқ тушунтиришга уриниб кўраман. Мана яқинда Ўзбекистонда дастлабки очилган конлардан бири — Чодак олтин конида тантана бўлиб ўтди. Яъни, ана шу кон ишга туширилганининг 20 йиллиги нишонланди. Лекин, ўша ерда яшовчи халқнинг турмуш даражаси айтарли эмас. Муаммолар керагидан ҳам кўп.

Энг муҳими шу кондан ишлаб топилган даромаднинг 90 фоизи Иттифоқ бюджетидан ўрин олган. Яъни, 19 йиллик даромад давлат хазинасига қўшилган. Агар дунё нархларида ҳисобласак бор-йўғи бир йиллик даромад ана шу ерда ишловчиларга маош тариқасида ва конни ривожлантириш ҳамда техника билан таъминлашга сарфланган.

Жумҳуриятимиз ҳудудидаги бошқа конларнинг ҳам иқтисодий аҳволи Чодак конидагидан яхши эмас. Бошқача қилиб айтганда, Москва бизнинг оҳ-у нолаларимизга қулоқ солмаяпти.

Яна бир нарса. Шу кунларда иқтисодий мустақиллик ҳақида жуда кўп гапирилаяпти. Ахир ўз маконимиздаги бойликларга эга бўлмасдан туриб биз қандай ва қайси йўл билан, қайси ҳамён билан мустақил жумҳурият бўла оламиз. Бу ёш болага ҳам аён ҳақиқат-ку!

Бозор иқтисодиёти шароитида биз ўз бойликларимизга ўзимиз эгалик қилишимиз шарт. Акс ҳолда тобора хонавайронлашиб бораверамиз. Ҳозир шундай бир гап оралаб юрибди: гўёки, бозор иқтисодиёти шароитида бизнинг олтин саралаш фабрикаларимиз чиқиндини қайта ишлаб шунинг кўп қисмини жумҳурият хазинасига олиб қолиш ҳуқуқига эга бўлармиш. Бу йўл ниҳоятда адолатсизликка ва оқибати номаълум бўлган кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Ахир, олтин саралаш фабрикаларимизда чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга бўлган технологиянинг ўзи йўқку! Мабодо, бир кун келиб шундай технологияга эга бўлганимизда ҳам дарёдан томчи олиш, деган гап эмасми?!

— Жумҳуриятимиз хом ашё манбаига айланиб қолгани ҳаммага аён. Бундан қутилишнинг бирдан-бир йўли маҳаллий саноат корхоналарини кўпайтириш. Шундай экан, ўзимизда ер остидан қазиб олинадиган хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолига келтирадиган корхона қурилса, унинг даромади жумҳурият бюджетига қўшилса, маҳаллий кадрлар билан таъминланса.

— Қанийди шундай бўлса. Агар каттароқ давраларда шу ҳақда гап кетадиган бўлса, кўпчилик маҳаллий миллатда бу иш билан шуғулланадиган мутахассислар йўқ, дейишади. Бекор гап. Бизнинг ота-боболаримиз заргар ўтишган. Ҳар бир тошнинг қадр-қимматини билишган. Бу тошлардан дунёни лол қолдиргувчи зеби-зийнатлар ясашганини унутмаслик лозим.

Бизда қазиб олинган нодир металл ёки тош Иттифоқимизнинг қаеридадир сайқал топади, кейин тайёр маҳсулот ҳолида дўконларимизда пайдо бўлади. Лекин унинг нархи осмонда. Холбуки, у қазиб олинганда сариқ чақага тенг эдику! Нега энди сал ишлов берилгач, баҳоси баландлаб кетди?

Агар жумҳуриятимизда қимматбаҳо безаклар, зеби-зийнатлар ишлаб чиқарадиган корхона қурилиб ишга туширилса айни муддао бўларди. Бунинг иложи ҳам, имкони ҳам бор. Чунки, ана шу корхонани доимий хом ашё билан таъминлашга қувватимиз етади.

— Эшитишимизга қараганда жумҳурият ер ости бойликларига мутасадди раҳбарлар «Союзглавалмаззолото»дан ажрамаслик пайида эмиш. Шу гап ростми?

— Мен бу гапнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида бир нима деёлмайман. «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасидагиларга аён бу гап. Уларни ҳам тушуниш керак: юқоридан план талаб қилишади, бажармасанг — жойни бўшатиб қўй, дейди. Замонавий техника билан таъминланиш керак.

Иккинчидан, жумҳуриятимизда Рангли металлургия вазирлиги ташкил қилинмаган. Бу ҳол ҳам «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмасини Иттифоқ вазирлигига боғлаб қўйган. Борди-ю бизда шундай вазирлик ташкил қилинса жуда кўп жиҳатдан ютардик. Мана битта оддий мисол: Олмалиқ — бой шаҳар, ўзининг ноёб рангли металлари билан машҳур. Лекин, бугун унинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Шаҳар атроф-муҳити бутунлай издан чиққан. Иттифоқ вазирлиги уни назорат қилолмай қолган. Олмалиққа ўхшаган шаҳарларимиз каммиʼ?

— Аброл ака, марказий матбуотнинг ёзишича, мамлакатимиз олтин қазиб олиш бўйича Жанубий Африка Жумҳуриятидан кейинда бўлса-да, лекин Канададан олдинда. Яъни, бу борада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бундан ташқари нефть, газ, уран, кумуш, мис каби бойликларга ҳам эгамиз. Шунга қарамай мамлакатимиз нима учун ривожланишда орқада қолиб кетган?

— Бунинг сабаблари ҳақида матбуотда кўп ёзилаяпти, кўп гапирилаяпти. Ҳамма айбни турғунлик даврига тўнкашаяпти. Тўғри, бироқ ўша даврнинг гуноҳлари нималардан иборат эди? Сиз айтгандай СССР ҳақиқатан ҳам бой-бадавлат мамлакат, лекин юқоридан берилган буйруқ асосида кўр-кўрона иш тутган аппаратнинг масъулиятсизлиги жуда қимматга тушди. Менимча, биз қуролланишни кескин қоралаган ҳолда мудофаага зўр бердик. Иттифоқ бюджетининг асосий қисми ҳарбий қудратимизни оширишга сарфланди. Ҳозирда бу харажат бир мунча қисқарган бўлса-да, лекин, кўнгилга таскин берадиган даражада эмас. Иккинчидан, бизда ҳаддан ташқари исрофгарчиликка йўл қўйилди. Давлат маблағи айрим раҳбарлар томонидан ўзлаштирилди, совурилди, ҳуда-беҳуда ишларга сарфланди. Ёки бўлмаса ўзимизнинг кундалик ҳаётимизни олиб кўрайлик: биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ҳар куни 30—40 тонна нон исроф бўларкан. Бу хилдаги рақамларни бошқа соҳалар бўйича ҳам келтириш мумкин. Бу — бизнинг боқи-беғамлигимиз, лоқайдлигимиз туфайли содир бўлаётган ҳол. Атрофдаги нарса ва мулкларга эътиборсиз қараймиз: давлатники деган ярамас тушунча миямизга ҳоким бўлиб олган.

Энди нима учун Ўзбекистонни «қашшоқ ўлка, давлат ҳисобига яшайди» деган бўлмағур гапнинг асоссизлигига яна бир қайтсак. Эмишки, Ўзбекистон ҳар йили давлатдан катта сўмма қарз олармиш. Ҳатто, рақамлар ҳам аниқ. Мана: 1986 йили — 829 миллион, 1987 йили — 1 миллиард 787 миллион, 1988 йилда — 1 миллиард 884 миллион, 1989 йилда эса бир миллиард 962 миллион сўм жумҳуриятимизга Иттифоқ бюджетидан қарз берилган эмиш. Яна йилдан йилга қарзлар салмоғи тобора ошиб бораётганига нима дейсиз? Ноинсофлик ҳам эви билан-да! Ўзбекистон Иттифоқда ишлаб чиқарилаётган пахтанинг 65 фоизини, пилланинг 59 фоизини, қоракўлнинг 38 фоизини, шолининг 20 фоизини бериши ҳаммага аён-ку! Қолаверса, жумҳуриятимиз ҳар йили бошқа ўлкалардан 11 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотиб олади. Ўзбекистондан чиқариладиган хом ашёлардан эса 40 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланади. Биргина пахтамизнинг ўзидан тайёрланадиган маҳсулотлар туфайли давлат бюджетига тушадиган оборот солиғи ҳар йили 12 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этади. Аслида шунинг учдан бир қисми Ўзбекистоннинг бюджетига қўшилиши лозим эди. Бироқ, жумҳурият Молия вазирлигининг маълумотига қараганда пахтамиздан тушадиган оборот солиғи 200 миллион сўмга етар экан. Хўш, унда нега камбағалмиз? Гап шундаки, маҳсулотимиз, хом ашёмиз қанча кўп бўлса қадри шунча паст. Яъни, давлат томонидан мажбурий белгиланган нарх халқимизнинг косаси оқаришига имкон бермаяпти.

Кўпчилик жумҳуриятимиз ҳудудидан ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг 80 фоизини хом ашё ташкил қилади деб эътироз билдириши мумкин. Тўғри, аммо газ конларининг маҳсулотларини, ер ости кон маъданларини қайта ишлашга мослаштирилган кимё заводларимиз ҳам бор. Афсуски, Олмалиқ мис комбинати, Маржонбулоқ, Зарафшон олтин саралаш фабрикалари ва шунга ўхшаш қатор корхоналар даромади жумҳуриятимиз бюджетидан ҳанузгача ўрин олган эмас.

Яна такрорлайман: жумҳурият Президенти ва ҳукумати қабул қилаётган ҳужжатлар амалда ўз ифодасини топмасдан туриб ўзбек халқининг косаси оқармайди.

— Кечирасиз, Аброл ака. Ҳозир ўз доимий ишингиздан ташқари яна нималар билан машғулсиз?

— Американинг «Юниверсал Комерс Корпорейшн» фирмаларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари бўйича жамоатчилик асосидаги доимий вакили сифатида иш олиб бораяпман. Корхоналар вакиллари билан учрашувларда бир нарсага амин бўлаяпман. Биринчидан, ҳамма жойда корхоналарнинг вакиллари ҳамкорликдаги фаолиятидан манфаатдорлик бўйича ҳеч қандай тушунча йўқ. Қизиқишлари ҳам йўқ. Чет мамлакатлар билан алоқа бўйича эса гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Агар ана шу одамларни шундай ишга қизиқтира олсангиз, яна бир муаммо туғилади: чор тарафингизга тўсиқлар қўйилган. Улар Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ҳоказолар. Улар корхоналарни кишанлаб қўйишган.

— Ўзбекистонда яна фойдали қазилма конларини очиш керакми, ёки!..

— Менимча очиш керак. Аммо уларнинг сонини кўпайтирмаслик керак. **Бир нечта майда ва ўрта фойдали қазилма конларини очиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг ичида мис, қўрғошин, вольфрам, қалай, олтин, кумуш ва бошқа рангли ва ноёб металлар, шунингдек, мармар, гранит, воластонит ва бошқа минераллар конини, ҳатто, минерал сувни очиб, улардан ташқи бозорга чиқиш йўлларини излаш керак ва қисқа муддат ичида чет эл валютасини олиш мумкин.**

Менга шундай бир рангли металл кони маълум. У жумҳуриятда жуда кўп учрайди. Бироқ, уни очишмаяпти. Чунки биз гигантомания (йирик корхоналар ташкил этиш) касалига дучор бўлганмиз. Бу кон аллақачон тадқиқ қилиб бўлинган. Аммо ўзлаштирилмаяпти.

— Агар шундай конни очиш учун сизга рухсат беришса-чи?

— Қанийди. Аммо жумҳурият халқини ҳеч қандай ортиқча дахмазаларсиз боқиш қувватига эга бўлган бундай конни очишга йўллар берк. Аммо айтиб қўяй. Уни ишга тушириш натижасида чет эл корхоналари билан ҳамкорликда каттагина ишлар қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишда яна бир қўрқинчли нарса бор. У ҳам бўлса фойдасиз корхоналарни беркитиш масаласи. Анчагина корхоналар шундай оқибатга гирифтор бўлади. Бироқ бундан қўрқмаслик керак. Чунки нарх-навоси янги бўлган бозор хўжалиги юзасидан қараб чиқадиган бўлинса, улар фойда келтиради.

— Янгича шароитда истеъмол маҳсулотларига нархни ким белгилайди?

— Бозордаги эҳтиёж, талаб ва нарх-наво белгилайди.

— Бизда ҳам хориждагига ўхшаш эрталабки нарх-наво кечқурунга бориб ўзгариши мумкинми?

— Бу корхона хўжайинига боғлиқ.

— Вазирлик-чи?

— Ана холос. Жавобини ўзингиз топдингиз. Худди ана шу вазирликлар қоғозбозликнинг умри тугаб қолмаслиги учун бозорни пайсалга солишга уринмоқдалар.

— Кўп партиялилик шароитида жамият ва бозор ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги фикрингиз?

— Кўп партиялиликка рухсат этилмасдан олдин ҳам бизда катта кучга эга бўлган ижтимоий ташкилотлар мавжуд эди. Касаба уюшмалари, комсомол шулар жумласидандир. Агар улар ҳам айтганга қуллиқ қилмай, ҳаракат қилишганида вазият бошқача бўлармиди?..

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!

Мусоҳабани С. МАРДИЕВ ва С. РУСТАМОВлар олиб боришди.

Акс-садо

«КОМСОМОЛ ҲАҚИДА ЎН САККИЗ ФИКР»

(«ЁШ ЛЕНИНЧИ», 1990 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ).

Эсингизда бўлса, ушбу сарлавҳали мақолада йигит-қизларнинг комсомол ҳақидаги фикрлари баён қилинганди. Шундан кейин азиз муштарийларимиздан кўплаб хатлар олдик. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

«Мени кўпдан бери бир муаммо — сўз ва ишнинг мос эмаслиги қийнаб келяпти. Бу кўпинча бошланғич комсомол ташкилотига тегишлидир. Унда на мустақиллик бор, на ҳуқуқ, на куч, на мавқе. ВЛКСМ Уставида «бошланғич ташкилот — комсомолнинг асоси», деб ёзилган. Қани бу ерда мантиқ», — дея хат йўллабди Бўстонлик ноҳияси, Чинбойлик қишлоғидан куюнчак синглимиз **Ҳилола АКРАМОВА**.

Тошкент вилояти, Калинин ноҳиясидаги В. Маяковский номли 1-мактабнинг X синф ўқувчиси Мукаррам **ҲАСАНОВА**ни ташкилотнинг мавқеи ўйлантиради:

«Ҳозирги кунда, маълумки, комсомолнинг обрўси жуда ҳам тушиб кетган. Менимча, бунинг асосий сабаби комсомолга мақсадсиз, унинг нималигини англамай туриб ўтганликдир. Афсуски, бундай ҳоллар ҳозир ҳам рўй бермоқда, ўзим ҳам мақсадсиз ўтганман. Фақат комсомол бўлишга қизиқардим. Ҳозир эса фикрим бошқача, мақсадим бор — комсомолнинг обрўсини кўтариш. Етар унинг калтакланганн. Мактабда бошланғич комсомол ташкилоти котибиман. Ҳозирча деярли тузукроқ иш қилолмадим... Р. Ботировнинг фикрига тўла қўшиламан. Ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилишни билмаймиз. Мен комсомол илгариги ишончини тиклаб олишига ишонаман».

Мана бу мактубни ғаллаороллик муштарийимиз Ўзбекистон «Дон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими **Ботир ОРИПОВ** йўллаб, унга қуйидагича сарлавҳа қўйибди: «Мен ёнмасам, сен ёнмасанг, улар ёнмаса, зулматни ким ёритади?»

«Комсомол ҳақида ўн саккиз фикр» мақолангизни ўқиб чиқдим. Кейинги пайтда бу ҳақда тез-тез чиқиш қилиб турибсизлар. Тўғри, гап ошкора айтилгани яхши. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» — дейди доно халқимиз. Биздан шу пайтгача кўп нарсаларни сир тутиб келишди. Барибир, ҳозир секинлик билан бўлса-да, юзага чиқаяпти-ку. Комсомол ҳақида менинг ҳам фикрларимни тинглангизлар.

Ғаллаорол ноҳиясида туғилиб-ўсганим учун у ердаги аҳволни беш бармоқдай биламан. Асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганмиз. Аҳоли жуда тез суръатлар билан ўсиб бораётир. Лекин ноҳия марказида аёллар (наинки аёллар, балки ёшлар) ишлайдиган саноат корхонаси йўқ. Бу, албатта, сўзсиз ишсизларнинг кўпайишига олиб келади. Уй-жой муаммоси ҳам ўз ечимини кутиб турибди. Байналмилал бурчини ўтаётиб Афғонистон диёрида жон берганлар ноҳиямизда тўрт нафар. Шулардан биттаси Юсуф Бегимқулов тўғрисида ноҳия рўзномаси «Меҳнат байроғи»да жуда яхши мақола берилди. Унда Юсуф ўсган кўчага унинг номини бериш таклифи ҳам ёзилганди. Лекин ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Ахир ноҳия комсомол қўмитасидагилар шу ишларга бел боғлаб киришсалар бўлади-ку!».

Қўрғонтепа ноҳиясидаги 16-мактаб ўқувчиси **Одинахон МИРҚОСИМОВА**нинг хати ўзгача. Энг ачинарлиси, комсомол сафида туриб унга ишонмасликдир. **Келинглар, комсомолнинг эркин парвози, юксак довонларни забт этиши учун биргаликда курашайлик. Уни қадрловчи, журъатли, мард бўлайлик! Биз комсомолга чин дилдан ишонайлик ва барчани ишонтирайлик!**

... Кел, дўстим, курашиб яшайлик биз ҳам,
Муқаддас номларга етмасин завол.
«Комсомол сўзим» — деб мағрур айтайлик,
Олов қалб комсомол бўлиб яшайлик» —

деган мисралар билан якунлайди хатини Одинахон.

Шўрчилик **Робия МЎМИНОВА**нинг фикрлари юқоридаги чақириқларнинг тескариси. «Комсомол энди ўзини тиклаб ололмайди, бунга ишончим комил. Чунки, унга ҳурмат ҳам, ишонч ҳам йўқолганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Комсомолда эркинлик йўқ. Эркинлик бўлмаса, фикр ҳам бўлмайди, ишлар олға силжимайди».

«Рўзноманинг ҳар бир сонини қизиқиш билан ўқиб бораман. Шу йил 22 февраль сонидаги комсомол ҳақидаги фикрлар билан танишиб чиқдим. Равшан Ботировнинг фикри менимча энг тўғри ва энг маъқули.

Тушкунликка берилганларга жуда ачинаман. Наҳотки, шунчалик ишонишмаса. Шуниси ҳайратланарлики, уларнинг кўпчилиги ёшлардир. Ахир комсомол бир жонзот эмаски ҳар хил тўғри келган номлар билан камситилаверса. У мамлакатимиз ёшларининг сиёсий ташкилоти. Ёшларнинг ўзи-ку унинг обрўсига путур етказаётган. Комсомол сафида лоқайд, яъни аъзолик бадали нима учун кетаётганини билмайдиган, ташкилот ҳақида ўйламайдиган, у билан фахрланмайдиган ёшлар истагандан ҳам кўпроқ топилади. Ўтмишда комсомол қандай довруғли эди. Ёки бизга ҳам ўзимизни кўрсатиш учун суронли кунлар керакми? Комсомолнинг тақдири ўз қўлимизда-ку».

Озода МИРЗАБОЕВА (Қўқон шаҳри).

Гулбаҳор РАЖАБОВА Андижон вилояти Олтинкўл ноҳияси, Миробод қишлоғидаги 15-ўрта мактабда кашшоф етакчиси бўлиб ишларкан. Унинг хатидан бир қайд келтиришни маъқул топдик.

«Мақолада Р. Камолов «Комсомол менга ҳеч нима бермади», дебди. Мен ундан сўрамоқчиман: комсомолга сиз ўзингиз нима бердингиз?»

Урганчлик **Аҳмаджон МАШАРИПОВ** комсомолни «ўзига хос амалдорлар тайёрлайдиган мактаб», — деб атабди. У яна рўзномамизда ёшлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган, гиёвандлик, фоҳишабозлик каби иллатларнинг зарари тўғрисида кўпроқ ёзишимизни илтимос қилибди.

Ҳозир Ўзбекистон ёшларининг олдида ғоят катта масъулиятли вазифалар турибди. Жумҳуриятимиз ишсизлар сони бўйича нафақат Иттифоқда, балки жаҳон миқёсида олдинги ўринда туради. Экологик шароитнинг йилдан-йилга ёмонлашуви халқимиз саломатлигига таъсир кўрсатмоқда. Болалар ўлими беқиёс катта. Ичимлик суви ҳолатини яхшилаш, газлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи деҳқончилик саноати корхоналарини барпо этиш сиз билан бизнинг долзарб муаммоларимиздир. Уларни ҳал қилиш учун ёшларимизга сиёсий тарқоқлик эмас, уюшиш ғоят зарур.

Мактубларни «Ёш ленинчи» мухбири Мирза АБДУЛЛА шарҳлади.

Биз, шунингдек, комсомол ҳақида фикр билдириб, хат йўллаган сирдарёлик Сайёра Қаршибоева, Наргиза Абдуворисова, Б. Пирназаров, урганчлик Меҳрибон Салоева самарқандлик Ҳурмат Искандаров, фарғоналик Исломжон Сафаров, ғиждувонлик Нодира Солиевага миннатдорчилик билдирамиз. Хатларингизни кутамиз, азиз муштарийлар.

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ БЎЛИМИ.

ТУЗАТИШ

Рўзномамизнинг шу йил 26 июнь сонининг 2-саҳифасида редакция мусаҳҳиҳи Умида Жамолова айби билан хато берилган «Ниҳол»нинг қурбонлари» сарлавҳаси «Ниҳол»нинг нишоналари» деб ўқилсин.

Андрей САХАРОВ

ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ

ЁКИ ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШ ВА АҚЛ-ИДРОК ЭРКИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Сталинизмнинг келиб чиқиш тарихий сабаби ва унинг кўринишлари Р. Медведевнинг фундаментал (минг саҳифали) рисоласида чуқур таҳлил этиб берилган. Социалистик, марксистик нуқтаи назардан ёзилган ажойиб асар, афсуски, ҳозирга қадар босилиб чиққан эмас.

Мамлакатимизда сталинизмни фош этиш ҳали поёнига етгани йўқ. Албатта, мавжуд барча ишончли материаллар (жумладан, НКВД архиви) бутун халқ иштирокида текширув мутлақо зарур. Партиянинг миллионлаб аъзолари[1] қотили Сталиннинг 1964 йили мўлжалланган, лекин «негадир» бекор қилинган КПСС сафидан рамзий ўчириш сталинизм қурбонларини сиёсий жиҳатдан оқлаш КПСС ва социализм ғояларининг обрўсини, шаъни учун ғоят мақсадга мувофиқ бўлур эди. Янги сталинчиларнинг сиёсий ҳаётимизга таъсирини ҳамма жойда, ҳар қадамда чеклаш зарур.

АҚЛ-ИДРОК ЭРКИГА ХАВФ

Инсон шахси мустақиллиги ва қадриятига хавф — инсон ҳаёти маъносига хавфдир.

Шахс эрки ҳаёт моҳиятига ҳеч бир нарса уруш, қашшоқлик, террордек катта хавф-хатар солмайди. Лекин билвосита жуда жиддий, олисроқ хавф-хатарлар ҳам мавжуд.

Ижтимоий ҳодисалар сертармоқ, мураккаб бўлган ҳозирги пайтда инсоният қаршисида турган хавф-хатарлар беҳисоб ошиб кетди, шунинг учун ҳам инсониятнинг олдида турган муаммоларни «кабинет усули» ва «қоронғи кабинетлар»нинг пинҳоний маслаҳатчилари билан ҳал этишда юзага келиши тайин бўлган ақидапарастларча, ўзбошимча хатолардан холис қилиш ғоят муҳимдир.

Кейинги йиллардаги мафкуравий курашда цензура (бу сўзни кенг маънода олганда) муаммоси марказий муаммолардан бири бўлиб қолганлиги бежиз эмас.

Машҳур совет ёзувчиси А. Солженицининг бу масаладаги қизғин-чуқур асосланган мурожаатини ҳаммамиз биламиз. А. Солженицин, Г. Владимов, Г. Свирский ва ушбу мавзуда чиқиш қилган бошқа ёзувчилар ноқобил цензура совет адабиётининг жони, қалбини куртаклардаёқ ўлдиришини равшан кўрсатиб беришди: худди шу ҳол ижтимоий фикрнинг бошқа кўринишларига ҳам тегишли бўлиб, турғунлик, янги ва теран фикрларнинг тўлиқ йўқолишига олиб келди. Негаки, теран фикрлар фақат баҳсларда, мунозараларда, нафақат тўғри, балки шубҳали ғоялар баён қилишнинг пинҳоний имкониятлари бўлган тақдирдагина юзага келади. Бу қадимги Юнонистон файласуфларига ҳам маълум эди, ҳозир бунга шубҳа қиладиган одам бўлмаса керак. Бутун бир мамлакат ақл-идроки устидан 50 йил танҳо ҳукмронлик қилгандан кейин бизнинг раҳбариятимиз бундай баҳс-мунозарага яқин келишга ҳам чўчияпти чамаси.

Совет бадиий ва сиёсий адабиётнинг майиб-мажруҳ қилувчи цензура ғов-тўғаноқлари тағин зўрайди. Ўнлаб теран, ажойиб асарлар, жумладан, А. Солженицининг жуда катта бадиий ва ахлоқий кучга, бадиий-ахлоқий умумлашмаларга тўлиқ асарлари босилмай, дунё юзини кўрмай турибди. Буларнинг бари шармандалик эмасми?

Ўзимизда ва хорижда (Луи Арагондан тортиб Г. Грингача) илғор жамоатчилик томонидан қораланган, коммунистик системани обрўсизлантирган Даниэль ва Синявский жараёни ҳали қайта кўриб чиқилгани йўқ. Уларнинг ўзлари кучайтирилган режим лагерида азоб чекишмоқда, оғир таҳқир ва қийинчиликларга (айниқса Даниэль) дучор этилмоқда.[2]

Гинзбург, Галансков ва бошқаларнинг фуқаролар эркини ва шахсан (мисол тариқасида) Даниэль ва Синявскийни ҳимоя қилишгани учун ҳибсга олиниши, судсиз-сўроқсиз 12 ойга қамаб қўйилиши, 5-7 йилга ҳукм қилиниши бориб турган шармандалик эмасми? Ушбу сатрлар муаллифи 1967 йил 11 февралда КПСС МКга Гинзбург ва Галансков ишини тўхтатишни сўраб мурожаат қилди, лекин ўз мурожаатига амалда ҳеч қандай тушунтириш олмади. Фақат анча вақт ўтгач, Галансков иши бўйича айбланаётганларнинг бири — Гинзбург номидан уюштирилган сохта кўрсатмалар ёрдамида муаллифни ва бошқаларни ёмонотлиққа чиқариш, бўҳтон уюштиришга ҳаракат қилингани (афтидан, ДХҚнинг собиқ раиси Семичастний томонидан бўлса керак) маълум бўлди.

Хаустов ва Буковскийларни ўз ўртоқларини ҳимоя қилиб митингда қатнашгани учун 3 йилдан қамоқ жазосига маҳкум этиш шармандалик эмасми? Совет зиёлиларнинг ўнлаб намояндаларини суд ва руҳият органларининг ўзбошимчалигига, софдил одамларни ёлғон, мунофиқона «раддиялар» ёзишга мажбур қилишга уриниш, яширин шантаж, қора рўйхатларга киритиш, ёзувчилар, муҳаррирлар ва бошқа зиёлиларни яшашнинг барча воситаларидан маҳрум этиш ва бошқа бедодликларга кескин қарши чиқишгани учун таъқиб этиш шармандалик эмасми?[3]

Бундай ишонтириш ва тарбия усуллари билан фирқа инсониятнинг маънавий доҳийси ролига даъво қилиши қийин.

Кадрлар сиёсатидаги навбатдаги антисемитизм кўриниши шармандалик эмасми? (Давлатимиз юқори бюрократик табақасида тўраларча антисемитизм руҳи 30-йиллардан кейин тўлиқ емирилгани йўқ). Сталинча қатағон аҳолининг 46 фоизи (асосан болалар ва кексалар)ни[3] йўқотган қрим татарларининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш давом этаётгани шармандалик эмасми? Сталинни, унинг сафдошлари, сиёсатини, сохта социализмни, террористик бюрократияни, иккиюзламачиликнинг ва хўжакўрсинлига ўсиш [illegible] бир қанча сифат, фазилатларни йўқотиб, миқдорий ва бирёқлама ўсишини оммавий равишда бевосита ва билвосита оқлаш, андавалаш уриниш ҳоллари кучаяётгани буюк шармандалик ва хавф-хатар эмасми?[4]

Гарчи бу шармандалик ҳодисалар сталинизм жиноятчилигининг беадад миқёсларидан узоқ «совуқ уруш» даврлари маълум ва машҳур [illegible] совет жамоатчилиги бағоят ташвишланмаслиги, ғазабланмаслиги мумкин эмас, у янги сталинизмнинг кичик бир кўринишидан ҳам ҳушёр тортмоғи лозим.

Бугун инсоният [illegible] йўлида давлат системасини [illegible]. Буни, хусусан, Чехословакияда тушуниб етишди ва биз, шубҳасиз, уларнинг социализм ва бутун инсоният тақдири учун жуда муҳим бўлган дадил ташаббусини (сиёсий жиҳатдан ҳам, дастлабки кезларда иқтисодий ёрдамни кўпайтириш масаласида ҳам) қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Мамлакатимизда цензура (Главлит)нинг аҳволи шу даражадаки, уни турли «либерал» кўрсатмалар ёрдамида бузилмайдиган қилиб, узоқ муддатга тузатиш амри-маҳол. Ўта жиддий ва қонуний тадбирлар, масалан, матбуот ва ахборот [illegible] қонун қабул қилиш зарур, бу қонун нималар мумкин [illegible], нималар мумкин эмаслигини аниқ ва асосли белгилаб берсин, бунинг учун масъулият жамоатчилик назорати остидаги билимдон-билағон одамлар зиммасига юклатилса. Халқаро миқёсда ахборот алмашиш (матбуот, туризм ва ҳоказо)ни ҳар томонлама кучайтириш муҳим, ўз-ўзини яхши англаб етиш ўта муҳим, социологик, умумсиёсий ва иқтисодий тадқиқот ва текширишларга маблағни аямаслик даркор. Бунда гап давлат томонидан назорат қилинадиган дастурлар ҳақидагина бормаяпти (бу ҳолда биз «кўнгилсиз» мавзу ва масалаларни четлаб ўтиш алдовига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас).

УМИД КУРТАКЛАРИ

Ҳозир социализм истиқболи қуйидагиларга боғлиқ: социализмни жозибадор қилиш имкони борми, социализм ғояларининг ахлоқий **жозибадорлиги** ва меҳнатни улуғлаш уни хусусий мулкчиликнинг худбинлик принципи, капитални улуғлаш билан қиёсланганда ҳал қилувчи омил бўла оладими, одамлар капитализм ва социализмни ахлоқан қиёслаганда бу омилни ҳисобга оладими ёки даставвал социализмда ақл-идрокнинг чекланиши, янада ёмони, сиғинишнинг фашистларга хос тузумини эслашадими? Мен ахлоқий жиҳатни биринчи ўринга қўяман, негаки, ижтимоий меҳнатнинг юксак унумдорлигини таъминлашда, ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттиришда, аҳоли кўпчилик қисмининг яшаш даражаси юқори бўлишини таъминлашида капитализм ва социализм «дуранг ўйнашди».

Афтидан, қуйидаги эҳтиёткорона таъриф бирдан-бир асосли деб ҳисоблаймиз:

1). Халққа улкан моддий, маданий ва ижтимоий ютуқлар келтирган, меҳнатнинг ахлоқий аҳамиятини бошқа тузумлардан кўра кўпроқ улуғлаган социалистик йўлнинг ҳаётий эканлиги исботланган.

2). Ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули ишлаб чиқаришни берк кўчага келтириб қўйди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги социалистик ишлаб чиқариш усулидан ёмон, деб даъво қилишга (ақидапараст анъаналарга кўра кўпинча шундай қилишади), бунинг устига капитализм ҳамиша ишчи синфи мутлақо қашшоқлашишига олиб келади дейишга асос йўқ.

Капиталистик тузумда ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти давом этаётгани кўр-кўрона фикрламайдиган ҳар бир марксист учун биринчи даражали назарий, принципиал аҳамиятга молик факт бўлиб хизмат қилиши, худди шу факт тинч-тотув яшашнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилиши, иқтисодиёти берк кўчага кириб қолган капитализм жон аччиғидан ҳарбий авантюра қилишга албатта мажбур бўлади, деб ўйламасликка принципиал асос беради. Капиталистик тузум ҳам, социалистик тузум ҳам узоқ муддат ривожланиш, бир-биридан ижобий, маъқул нарсаларни олиш, ўзгариш (муҳим муносабатларда амалда ўзаро яқинлашиш) имкониятига эга.

Икки система ва доиранинг тобора чуқурлашиб бораётган тотувлик, ҳамдам-ҳамкорлик, зиддиятларни силлиқлаш ва ўзаро ёрдам-кўмак йўлидан бошқа ҳар қандай йўлда инсониятни ҳалокат кутади. Бошқа йўл йўқ.

Ушбу мақоламизнинг биринчи қисмида инсоният тараққиётининг «ёмон» йўли уни ҳалокатга олиб келишини кўриб чиққан эдик, энди, умумий тарзда бўлса ҳам, муқобил «яхши» вариантни тасаввур қилишга ҳаракат қиламиз.

1-босқич. Социалистик мамлакатларда, бир томондан, сталинчи ва маочи кучлар ўртасида, иккинчи томондан, сўл ленинчи-коммунистлар ва «сўл ғарбийлар» ўртасида кучайгандан кучайиб бораётган ғоявий кураш халқаро, миллий миқёсда ва фирқа ички миқёсида чуқур ғоявий ажралиш, узилишга олиб келади.

СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда ушбу жараён дастлаб кўп фирқалилик системасига, баъзи жойларда[5] кескин мафкуравий курашга, баҳс-мунозараларга, кейин эса реалистларнинг ғоявий ғалабасига, тинч-тотув яшаш, демократиянинг мустаҳкамланиши, иқтисодий ислоҳотнинг кенгайиши (1968—1980) йиллар йўлининг барқарорлашишига олиб келади. Саналар воқеаларнинг энг ишончбахш вариантига тегишли.

2-босқич. АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатларда ижтимоий тараққиёт, тинч-тотув яшашнинг ҳаётий талаб тақозоси, социализм мамлакатлари ва ички тараққийпарвар кучлар (ишчилар синфи ва зиёлилар) мисоли тазйиқи буржуазия сўл, ислоҳотпарвар қанотининг ғалабасига олиб келади, булар ўз фаолиятида социализмга яқинлашиш (конвергенция) тинч-тотув яшаш, дунё миқёсида социализм билан ҳамкорлик, мулк тузилишини ўзгартиришнинг ҳавосини олишади. Ушбу дастур зиёлиларнинг ролини жуда кучайтириш-кўпайтириш, иркчилик ва милитаризм кучларига ҳужумни (1972—1985 йиллар)ни ўз ичига олади.

3-босқич. СССР ва АҚШ, тарқоқликни енгиб ўтиб, ер куррасининг «камбағалроқ» ярмига кўмаклашиш, қутқариш муаммосини ҳал этади. Айни чоғда қуролсизланиш рўй беради (1972—1990 йиллар).

4-босқич. Социалистик конвергенция ижтимоий тузумлар фарқларини юмшатиш, ақл-идроқ эрки, илм-фан ва ишлаб чиқариш тараққиёти, жаҳон ҳукумати тузилиши ва миллий зиддиятларнинг нотекислашиши, юмшашига олиб келади (1968—2000 йиллар).

Ҳар бир софдил ва фикрловчи, тўраларча лоқайдлик билан заҳарланмаган одам тараққиёт «яхши» вариант асосида боришига интилади. Лекин қўрқув ва таассублардан ҳоли кенг муҳокамагина кўпчиликка ҳаракатнинг тўғри ва энг яхши усулини топишга кўмак беради.

ХОТИМА

Ушбу мақола билан муаллиф мамлакатимиз раҳбариятига, барча фуқароларга, бутун дунёдаги яхши ниятли кишиларга мурожаат қилади. Мақоланинг кўпгина ўринлари баҳс-мунозаралилигини муаллиф тушуниб турибди, унинг мақсади — ошкоралик шароитида рўй-рост, очиқ муҳокама қилишдир.

1968 йил, июнь.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА [6]

Мен 1928 йили Москвада, зиёли ва аҳил оилада туғилдим. Отам — физика ўқитувчиси бўлиб, бир қанча кенг тарқалган дарслик ва илмий-оммабоп китоблар муаллифи эди. Болалигимдан ҳалол-покизалик, бир-бирига ёрдамлашиш, одоб, меҳнатсеварлик, танланган касбга олий ҳурмат муҳитида яшадим. 1938 йили ўрта мактабни тугатиб, Москва Давлат дорилфунунига ўқишга кирдим ва уни 1942 йили битириб чиқдим. 1942 — 1945 йилларда ҳарбий заводда муҳандис бўлиб ишладим, маҳсулотларини назорат қилиш услуби бўйича бир қанча кашфиётлар муаллифиман.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонда).

1 1936 —1938-йилларнинг ўзида ВКП (б)нинг 1,2 миллион аъзоси — партиянинг ярми қамоққа олинган эди. Бор-йўғи 50 мингги озодликка чиқди — қолганлари терговларда азобланди, отилди (600 мингги) ёхуд лагерларда ажал топди. Оқланганларнинг битта-яримталари масъул ишларга қўйилди. Янада камроғи ўзлари гувоҳ ва қурбон бўлган жиноятларни текширишда иштирок этди. Кейинги вақтларда «ярага туз сепмасликка» даъволар тобора кўпроқ эшитилмоқда. Бу садолар одатда ҳеч қандай яраси бўлмаган одамлардан чиқмоқда. Амалда ўтмишни, унинг бугунги оқибатларини синчиклаб таҳлил этиш, байроғимизни булғаган беадод қон ва лойни ювиб ташлаш имконини беради. Муҳокамаларда, адабиётларда баъзан сталинизмнинг сиёсий кўриниши антиленинча «янги социализм» иқтисодий базаси «устқурмаси» бўлиб, у мамлакатимизда алоҳида синф — очиқ ва пинҳоний имтиёзлар занжири ёрдамида ижтимоий меҳнат самарасини ўзлаштирувчи бюрократик — «номенклатура» оқсуякнинг шаклланишига олиб келди, деган фикр баён этилади. Бундай ёндашувда қандайдир (менинг фикримча, тушуниш қийин) ҳақиқат бордир, у, хусусан, янги сталинизмнинг яшовчанлигини изоҳлар, лекин уларнинг тўлиқ таҳлили асосий диққат-эътиборини бошқа муаммоларга қаратган ушбу мақола доирасига кирмайди.

2 Ҳозирги пайтда сиёсий маҳбусларнинг кўпчилиги жиноятчилар билан биргаликда 30.000 маҳбус Мордовия ҳудудидаги Дубровлагда сақланмоқда. Мавжуд маълумотларга қараганда, 1961 йилдан бошлаб лагерда режим узлуксиз кучайтирилиб келиняпти. Сталин замонидан қолган кадрларга яна сон тегиб қолди. (Адолат юзасидан айтиш керакки, энг сўнгги пайтларда бир қадар умидбахш нарсалар сезиляпти. Бу ўзгариш барқарор бўлади, деб умид қилиш мумкин) қамоқ жойлари устидан жамоатчилик назорати ленинча принципларнинг тикланиши жудаям мақсадга мувофиқ бўлур эди. Сиёсий маҳбусларни тўла афв этиш, шунингдек, шубҳа туғдирадиган сиёсий суд жараёнларини қайта кўриб чиқиш айни муддао бўларди.

3 Миллий муаммолар, агар у тан олинмаса, бу борада ленинча принциплардан қингайиш ҳоллари таҳлил этилмаса ва барча хатоликларни тузатиш, тугатишга қатъий киришилмаса, ғалаёнлар ва норозиликларга сабаб бўлаверади.

4 Гап улкан мамлакат кўп қатламли вазиятининг бус-бутун характеристикаси ҳақида эмас, сталинизмнинг асосий майллари ва оқибатлари устида боряпти.

5 Муаллиф кўп фирқалилик системаси социалистик тузум тараққиётида зарурий босқич, айниқса ҳамма бало-қазоларни даф этувчи восита деб ҳисобловчи кишилар сирасига кирмайди, лекин у айрим ҳолларда кўп фирқалилик системасининг юзага келиши, ҳукмрон Коммунистик фирқа муайян сабабларга кўра, тарихий зарурат бўлган илмий-демократик усул билан раҳбарлик қилишни амалга оширишдан воз кечган тақдирда, воқеалар оқимининг муқаррар натижаси оқибати бўлади, деб тахмин қилади.

6 Ушбу автобиографик мақола А. Сахаров томонидан инглиз тилида чоп этилган тўплам учун ёзилган. А. Кнор нашри, 1974 йил. Нью-Йорк. Хроника-Пресс, 1976. Муаллиф розилиги билан принципиал бўлмаган «Ўйлар...» мақоласининг у ёки бу қисмлари мазмунини таққирловчи ўринларга оид жойлар қисқартирилди. Қисқарган жойлар кўрсатилмади. **Ред. изоҳи.**

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БОНН. Берлин — Бирлашган Германиянинг пойтахти бўлиши керак. ГДР Бош вазири Лотар де Мэзьернинг бунга ишончи комил. Берлин, деди у «Дойчландфунк» радиостанциясининг мухбири билан суҳбатда, аста-секин бўлажак ҳукумат ҳам тура оладиган жойга айланиши мумкин. Унинг фикрича, Шпрей дарёси бўйидаги бу шаҳар Рейн бўйидаги Бонн шаҳрига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Масалан, Берлинда туриб шарқий Европа мамлакатлари билан алоқа боғлаш, уларни Европа бирлашуви умумий жараёнига қўшиш анча қулай.

ГФЖнинг сиёсат ва жамоат доираларида жуда қизғин муҳокама қилинаётган бу шаҳарни келажакда пойтахт сифатида мамлакатнинг кўпчилик фуқаролари афзал кўрмоқдалар. Ғарбий Германиянинг Тюбинген шаҳридаги Виккерт институти жамоатчилик фикрини билиш учун ўтказган сўнгги савол-жавоб якунларига кўра, саволларга жавоб қайтарган кишиларнинг 72 фоизи Берлин пойтахт бўлишини ёқлаб чиқди. Бундай кишилар ГДЖда яна ҳам кўп — 91 фоиз.

ХЕЛЬСИНКИ. Таллинндан Львовга сафарга чиққан ва якшанба куни эрталаб жиноятчи томонидан Финляндияга олиб кетилган совет «ТУ-134» тайёраси ичидаги йўловчилар билан бирга шу куниёқ Хельсинкидан Ватанига учиб кетди. Жиноятчини Финляндия полицияси ушлаб олди. Уни йўловчилар тушган тайёрани олиб қочишда айблаш юзасидан тергов бошланди.

ПАНАМА. Панама ташқи ишлар вазири Хулио Линарес маҳаллий журналистлар билан учрашувда ҳукумат жумҳуриятнинг территориал сувларида соқчилик қилиш муаммосини тартибга солиш учун дипломатия йўли билан чора-тадбирлар кўраётганини айтди.

Бир неча ҳафта давомида бу ерда бу вазифани АҚШнинг ҳарбий денгиз кучлари зиммасига юклаш эҳтимоли муҳокама қилинди. Бироқ Панама ташқи ишлар вазирлиги мамлакат соҳиллари яқинида Американинг ҳарбий кемалари туриши миллий суверенитетни ва Панама канали тўғрисидаги 1977 йилги шартномани бузиш бўлади, деб ҳисоблаб, бунга розилик бермади.

ПРАГА. Хельсинки жараёни Европа бирлигининг асосидир, Хельсинки фуқаролар ассамблеяси эса бу бирлик демократик йўл билан амалга оширилишининг кафолати бўлиб қолиши лозим. Хельсинки фуқаролар ассамблеяси тайёргарлик қўмитасининг Прагада тугаган мажлиси охирида шу сўзлар янгради.

Мажлис қатнашчилари Европани ҳарбийлаштиришдан ҳоли қилиш, иқтисодиёт билан экология ўртасидаги муносабат масалаларини, майда миллатлар ва фуқаролик ҳуқуқлари муаммоларини муҳокама қилдилар. Мунозарада Хельсинки фуқаролар ассамблеясининг таъсис конгресси дастури ҳақида ҳам гаплашиб олинди, бу конгресс шу йилнинг 19-21 октябрь кунлари Прагада бўлиб ўтади. Унда Европанинг 35 мамлакатидан, АҚШ ва Канададан фуқароларнинг ташаббуслари, касаба уюшма ташкилотлари, турли сиёсий оқимлар, диний, маданий ва илмий доиралардан 800 га яқин вакил қатнашади, деб тахмин қилинмоқда.

ПАРИЖ. БМТ Бош котиби Хавьер Перес де Куэльярнинг Марказий Америкадаги тинчлик жараёни билан шуғулланувчи шахсий вакили Альваро де Сото шанба куни бундай деди: Сальвадордаги аҳволни тинч бартараф этиш юзасидан Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик жабҳаси билан ҳукумат ўртасидаги музокаралар ўтган сешанба куни Оакстепекда яна бошланди. Бу музокараларда «анчагина силжиш»га эришилди, деб хабар қилди Франс Пресс ахборот бошқармаси.

Бироқ ҳали ҳеч қандай битим тузилгани йўқ, деди Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вакили. Вакил мазкур музокаралар махфий тарзда ўтказилаётганини эслатиб, бирон-бир тафсилотни айтишдан бош тортди.

ЛОНДОН. Реакцион «иқтисодий уюшма»нинг вазифаларига тааллуқли янги қонун лойиҳаси Британия парламентида ишлаб чиқилди. Консерватор Эмма Никольсон жамоалар палатасининг иш билан таъминлаш масалалари комитетида бўлган мунозара чоғида сўзга чиқиб, «шубҳали» британияликларнинг қора рўйхатларини тузаётган ва уларнинг ишга жойлашишига ҳалақит бераётган мана шу ташкилотни «ҳаддан ташқари хавфли ва ҳақсиз» ташкилот деб атади. Унинг фаолиятини назорат остига олиш учун парламент аъзолари «уюшма» маъмуриятини ҳозир пўлат сандиқларда сақланаётган ҳужжатларнинг маълумотларини бемалол танишса бўладиган компьютер системасига солишга қонуний асосда мажбур этмоқчи бўлиб турибдилар.

ТЕҲРОН. Эроннинг шимолий ва шимоли-ғарбий вилоятлари аҳолиси бошига яна табиий офат тушди. ИРНА ахборот бошқармасининг хабар қилишича, кеча содир бўлган ер ости силкинишларининг кучи Рихтер ҳисобида 5,7 баллга етган. Унинг маркази Теҳрондан 200 километр шимолда бўлган. 21 июнга ўтар кечаси табиий офатдан азият чеккан Рудбар ва Решт шаҳарларининг йўллари яна кўчкилар ва уюмлар сабабли тўсилиб қолди. Фарсан, Чахармаҳал, Бахтиёрий ноҳиялари зарар кўрган.

(ТАСС, 25 июнь).



Яқинда Болгария пойтахти София шаҳрида бўлиб ўтган сартарошлар кўригида мана шундай модель нуфузли ўринлардан бирини эгаллади. Ҳозир сочни шундай қилиб юриш аллақачон одат тусига кирмоқда.

БТА — ТАСС сурати.

МАЗОВЕЦКИЙНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАРШАВА, 25 июнь. ТАСС мухбири Андрей Першин хабар қилади: ўтмишдан мерос бўлиб қолган қўшнилар билан муносабатдаги душманлик кайфиятидан воз кечиш, улар билан алоқаларнинг «икки душман» назарияси негизида эмас, СССР билан ҳам, Германия билан ҳам яқин ҳамкорлик асосида шаклланиши Польша учун жуда катта аҳамиятга эга. Бу фикрни Польша Жумҳурияти Вазирлар Кенгашининг раиси Т. Мазовецкий Шчецин шаҳрида жамоатчилик билан бўлган учрашувда сўзга чиққанида таъкидлади.

Мана бир йилдан буён биз шундай дунёда яшамоқдамизки, бу дунёнинг вужудга келишида polякларнинг кураши уларнинг ҳормай-толмай озодликка интилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб таъкидлади у. М. С. Горбачев Совет Иттифоқида бошлаган ислоҳотлар Польшанинг интилишлари амалга ошишида жуда катта аҳамият касб этди.

Т. Мазовецкий «совуқ уруш» ва Европанинг бўлиниб кетиши оқибатларини узил-кесил тугатиш заруратидан келиб чиқувчи икки немис давлатининг бирлашувига тушуниш билан қарашини таъкидлади. Шу билан бирга бу жараён бўлажак Бирлашган Германиянинг интилишларига нисбатан ишончсизлик уйғотади.

МУҲОЖИР ЯҲУДИЙЛАР БОСИБ ОЛИНГАН АРАБ ТЕРРИТОРИЯЛАРИГА ЖОЙЛАШТИРИЛМАЙДИ

ВАШИНГТОН, 25 июнь. (ТАСС). Исроилга келаётган Совет яҳудийлари босиб олинган Араб территорияларига жойлаштирилмайди, деб ваъда берди мамлакат Уй-жой қурилиши вазири Ариел Шарон. ЮПИ агентлигининг Қуддусдан хабар қилишича, у яҳудий агентлиги бошқарувчилари кенгашида сўзга чиқиб, СССРдан келган бирорта ҳам муҳожир Иордан дарёсининг ғарбий соҳилига ёки Ғазо секторига жўнатилмаслигини, чунки Исроилдагилар «вазиятнинг жиддийлигини тушуниб етаётганликлари»ни айтди.

А. Шароннинг кутилмаган бу баёнотидан мақсад, деб таъкидлади Эй-Би-Си телекомпаниясининг диктори, афтидан, «СССРда Исроил Совет муҳожирларини босиб олинган территорияларда жойлаштириши муносабати билан вужудга келган хавотирни камайтириш»дан иборатдир.

ТЕРГОВ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

БХР Бош прокурорининг ўринбосари Спас Мулетаров БКП Марказий Қўмитасининг собиқ Бош котиби, БХР давлат кенгашининг раиси Т. Живков иши юзасидан тергов олиб борилаётганлиги муносабати билан бу иш белгиланган муддатда, яъни бир ойдан сўнг тугашини айтди. Айрим экспертизалар ниҳоясига етмоқда, 400 га яқин гувоҳ сўроқ қилинди. Прокуратура вакили Болгариянинг собиқ раҳбари дастлабки терговда ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқи берилмаганлиги тўғрисида тарқаган миш-мишларни рад этди. У Т. Живков ўзининг касалхонадаги палатасида тергов қилинаётганлигини ва у адвокат иштирокидагина терговчиларнинг саволларига жавоб бераётганлигини таъкидлади. Т. Живковнинг қариндош-уруғлари уни судга қадар озод этишни илтимос қилдилар, деди С. Мулетаров, бироқ БХР олий суди ушбу масала юзасидан ҳали қарор қабул қилгани йўқ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«АҚЛЛИ» ҚОНУНБУЗАР

● ҚОНУННИ бузиш учун катта ёшдаги киши бўлиши шарт эмас экан. Бунга 12 ёшли америкалик болакай қилган иш гувоҳ бўла олади. У «компьютер ва молиявий товламачиликда» айбланиб, қамоққа олинган. Полициянинг хабар қилишича, Мичиган штатида яшовчи бу бола (унинг исми негадир айтилмаётир) ўз шахсий компьютери орқали «Ти-ар-дабл'ю» компаниясининг электрон системасига «кириб», мижозларнинг пул маблағларини ўз омонат дафтарчасига ўтказиб олган.

АФСУНГАР ЎЛДИМИ?

● АКСАРИЯТ камерунликлар Медуза тахаллусли мамлакатдаги машҳур афсунгар Жозеф Батумнинг ўлими муносабати билан матбуотда эълон этилган таъзияномага ишонмади. Негаки, сеҳргарнинг илон чақиши, йўл ҳаракатидаги бахтсиз ҳодисалар, ўқлар, пичоқ санчилиши, боринки, барча бало-қазолардан афсун билан «ҳимояланганини» ҳаммага маълум эди. Медуза ўз сеансларида давомида томошабинларни ҳаётининг боқийлиги, дахлсизлигига бир неча маротаба ишонтирган. Масалан, яқинда бўлиб ўтган чет эл сафари вақтида у томошабинлари олдидан огоҳлантириб, «ўлган» ва ҳатто экспертларга бунга ишонч ҳосил қилиш имконини берган, кейин эса яна тирилган. Ҳозир ҳам камерунликлар таъзиянома га қарамай афсунгарнинг тирилишини кутишмоқда, негаки у ўлимидан сал илгари ҳаётидаги энг катта ишга тайёргарлик кўраётгани ва бунинг учун ер юзини вақтинча тарк этиши зарурлиги тўғрисида гапирган экан.

ФУТБОЛ КЎРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

● ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯНИНГ унча катта бўлмаган Пассау шаҳри аҳолиси футболни ёқтирмайди, лекин пиво уларнинг жон-дили. Шаҳардаги «Вайсес Кройце» пивохонаси жуда машҳурдир. Италияда жаҳон биринчилиги ўтаётган шу кунларда пивохона эгаси ўз оромгоҳидаги ойнаи жаҳонида футбол ўйинини томоша қилишни қатъиян тақиқлаб қўйди. Бундан ташқари, кимда-ким футбол ҳақида оғиз очса, у жаҳон биринчилиги тугагунга қадар пивохонага қўйилмайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР





Хива шаҳри ва ноҳиясида Хоразм комсомолининг 70 йиллиги байрами ҳамда «Ёш ленинчи» рўзномаси кунлари ғоят кўтаринкилик руҳида ўтди.

ҚЎҲНА ВА ҲАМИША навқирон Хивада рўзномамиз байрами ўтказилишидан хабардорсиз. Бу гал ижодий жамоамиз воҳага ҳам меҳмон, ҳам мезбон сифатида ташриф буюрди. Негаки, айни ўша кунларда Хоразм комсомоли ўзининг муборак 70 йиллик тўйини нишонлади. Ҳамма қатори таклифнома олдик. Тўйга тўёна билан бориб, рўзномамиз кунларини ҳам, комсомол юбилейини ҳам қўшбайрам сифатида ўтказдик.

Байрам чиндан ҳам байрам руҳини касб этди. Бу ерга узоқ ва яқиндан жондош ва қондош ёшлар вакиллари ҳам ташриф буюрганликлари бундан яққол далолат бериб турибди.

— Мен Қозоғистон ССР Чимкент вилояти Сайрам ноҳиясиданман. Рўзномангиздаги эълонни ўқиб келавердик.

Байрамга узоқдан ташриф буюрганлар орасида журналист Анвар Пардабоев ҳам бор. У ноҳия рўзномасида ишларкан. Байрамимизда иштирок этиш учун «Урал» мотоциклида бир минг икки юз чақирим йўл босиб келибди...

Жамоамиз вакилларининг Хива шаҳридаги болалар уйи тарбияланувчилари ҳузуридаги учрашуви ўғил-қизларнинг ёдида бир умрга муҳрланиб қолади, деб ўйлаймиз. Табобат техникуми ётоқхонаси саҳнидаги серсоя гўшада бўлиб ўтган ўзаро мулоқот мушоирага, куй-қўшиққа уланиб кетди. Шоир Ҳайдар Акбарнинг илҳоми қайнагандан-қайнади...

Асрий қумликларга туташ Дзержинский номли жамоа хўжалиги ноҳиядаги «бели бақувват» хўжаликлардан бири. Одамлари ишчан, тартиб-интизомли. Белгиланган давлат режалари бажарилиб келинмоқда. Лекин хўжаликда ижтимоий масалаларнинг барчаси «китоблардаги»дан фарқ қилади. Йиғилиб қолган муаммолар бор — табиий газ барча хонадонга етиб бормагани, ичимлик сувига зорлик. Хўжаликнинг ҳашаматли томошагоҳидаги учрашувда берилган саволлардан шуни сезиб олдик.

Гарчи атрофга шом чўккан бўлса-да, ҳарорат бўшамаган, иссиқдан жон асраш қийин. Лекин, ҳеч кимнинг томошагоҳни тарк этгиси келмайди. Айниқса жумҳурият ойнаи жаҳон ва радиоси қошидаги «Саёҳат» дастаси санъаткорлари ижросидаги қўшиқлар одамларда илиқ таассурот қолдирди.

Шаҳардаги Ёшлар уйида ижодкор ёшлар билан «Давра суҳбати» ташкил этилди. Даврага журналистлар, «Қизиқчи-90» кўрик-синовининг совриндори Ғафур Мирзабоев, сўз устаси Соат Шариповлар файз киритишди. «Достон» фольклор этнографик уюшмаси қатнашчилари ҳамда бахши Норбек Абдуллаевлар ҳам «қарздор» бўлиб қолишганича йўқ.

...Биз муштарийлар билан учрашув ўтказиб, қадимий шаҳар обидаларини зиёрат қилиб юрган пайтда вилоят ёшлари ўз байрамларини аллақачон бошлаб юборишганди. Туркманистон Шўро Социалистик Жумҳурияти Тошҳовуз вилояти, Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти ҳамда Хоразм ёшларининг анъанага айланган байналмилал дўстлик учрашуви ҳам бу гал Хивадан қўним топди. Тўққизинчи маротаба ўтказилаётган дўстлик учрашувининг воҳа комсомоли тўйига тўғри келиши ҳеч тасодиф эмас. Бу сана мазкур музофот барча ёшларининг байрами. Тарихдан маълумки, Хоразм Халқ Жумҳурияти таркибига ўша пайтда мазкур музофотдаги каттагина ҳудуд кирган. Кейин миллий чегараланиш ўтказилади. Минг-минг йиллар бирга яшаётган халқлар ўртасига чегаралар солинади, ҳудуд бўлашилади. Сталинча манфур сиёсат шу тарихга сунъий тарзда Тоғли Қорабоғ, Ўш фожиаларини келтириб чиқаради...

Хива жамоа хўжалигида жойлашган «Дўстлик» кашшофлар оромгоҳида уч вилоят ёшлари учрашишди. Барча учун умумий бўлган муаммолар ҳақида очиқчасига сўзлашилди, фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, истаклар билдирилди. Куй-қўшиқ, спорт беллашувлари дўстлик ришталарини тағинда мустаҳкамлади.

Байрам-байрамга уланиб бораверди. Жазираманинг шашти қайтиши билан ҳамма шаҳар марказидаги стадионга оқиб кела бошлади. Ўн минг кишилик стадионда рўзномамиз муштарийлар олдида синовдан ўтди. Одатга кўра, аввал футбол ўйини ўтказилди. Рўзномамизнинг «Ижодкор» ва вилоят комсомол қўмитасининг «Аппаратчи» командалари беллашувидаги ҳисоб аҳамиятга эга эмас. Гарчи табиий шароит, иқлимий жойлашишга кўра исталган бир Лотин Амирқоси давлатидан фарқ қилмаган ҳолда жумҳуриятда футболга эътибор сустлиги, пахтанинг машаққатли меҳнати боғлаб ташлаган ёшлар Италияда жаҳон кубоги учун эмас, битта командани олий лигага чиқара олмай ҳалаклар... Демак, ютуқ — футбол ташвиқоти.

Кейин майдонга полвонлар тушишади, Паҳлавон Маҳмуд авлодлари ўз кучларини намойиш этишади. Тошҳовуз вилояти ва Хоразм вилояти комсомоллари арқон тортишади. Кўчқорвозлар ҳам қараб туришмайди...

Томошабинлар таниқли хонандалар Ғафур Мирзабоев, Каримбой Раҳмонов, Абдулла Тиллаев, Бекчон Жуманиёзов, Соат Шариповларнинг чиқишларини олқишлар билан қарши олишди.

ШУНДАЙ БАЙРАМЛАР БЎЛСИН

«Дўстлик» кашшофлар оромгоҳидаги учрашув айниқса мароқли бўлди. Бу ерда тонггача байналмилал дўстлик, ёшликни улуғловчи қўшиқлар янграб, куйларга жозибали рақслар уланди.

Шанба куни эрталаб Ичон қалъа гавжумлашди. Байрам тантаналари мана шу қўҳна қалъага кўчди. Кўҳна Арк майдонида театрлашган манзараларда Хоразм комсомолининг 70 йил мобайнида босиб ўтган кураш ва бунёдкорлик йўли ўз аксини топди. Байрам қатнашчилари ноҳия комсомол қўмитаси ташаббуси билан оталиққа олинган Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мадрасаси комплексини, ёшлар уйини бориб кўрдилар.

Хоразм вилояти комсомоли юбилейи ва «Ёш ленинчи» байрами тантаналарида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг шўъба мудири В. А. Кривошеев, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, Туркманистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси котибаси З. Ортиқова, «Ёш ленинчи» муҳаррири Ж. Раззоқов, «Комсомолец Узбекистана» муҳаррири А. Пукемов ҳамда бошқа вилоят комсомол қўмиталарининг котиблари иштирок этдилар.

Кечқурун Огаҳий номли вилоят театрида Хоразм комсомолининг 70 йиллик тўйига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти бўлиб ўтди. Тантанали йиғилишда Хоразм вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котибаси Р. М. Худойбергенова, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби Д. Брагиш, Хоразм вилояти ижроия қўмитасининг раиси А. Искандаров ўртоқлар қатнашдилар.

Д. Брагиш ва А. Носиров комсомол ветеранлари, фаолларидан бир гуруҳига эсдалик медаллари, фахрий ёрлиқлар, кўкракка тақиладиган нишонлар топширдилар.

* * *

Кўҳна Хивада қўшалоқ байрам ҳар жиҳатдан яхши ўтди. Бу байрам фақат нолишнинг ўзи билангина чекланиб қолмаслик, яхши кунларни, улуғ саналарни муносиб нишонлаш, ўтганлар руҳини шод этиш, йигит-қизларни боболар иши давомчилари қилиб тарбиялашда уларнинг аҳамияти ва таъсири катта.


Рўзномамиз ижодий жамоаси муштарийлар билан мулоқотдан салмоқли «юк» олиб қайтди. Одамларнинг шарт-шароитлари, турмуш тарзлари, тирикчилиги қандай? Буни бевосита жойларнинг ўзида кўришимизга тўғри келди. Кишилар кўнгилларида тўпланиб қолган дард кечмишларини тўкиб солдилар. Журналистларга қалб ҳасратларини баён қилиш учун вилоятнинг узоқ ноҳияларидан «бир қулоч» шикоят кўтариб келганлар ҳам бўлди... Маълумки, 1993 йилда кўҳна Хиванинг 2500 йиллик тўйи нишонланиши кутилмоқда. Шу муносабат билан муштарийларимиз нигоҳини боболар мўъжизавий санъатининг гултожи бўлмиш қадимий обидаларга қаратишга аҳд қилганмиз. Зеро, юртимизнинг кўплаб гўшаларида масъулиятсизлик, лоқайдлик туфайли кунаро ҳароб бўлаётган, ер юзидан йўқолиб бораётган меъморчилик дурдоналари оз эмас. Шукрлар бўлсинким, обидалар умрини узайтириш ниятини кўнглига тугиб, арзимас иш ҳақидан жамғариб, хайрия-эҳсонни савоб билганлар ҳам йўқмас. Бу галги байрам шундай табаррук ишга қўл урган Хива ноҳия комсомол қўмитасига мадад ташрифини ўтади.

Яна байрамларда учрашгунча, азиз муштарийлар!

Рўзимбой ҲАСАН,
Жумабой ҚОЗОҚ, (фото)
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари.

* * *

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.













«Нишона»

НАВҚИРОН НИГОҲ



Наврўз кунлари эди. Кафедрамизнинг эшигини журъатсиз очган аёл киришга рухсат сўради. Унинг орқасидан онасидан ҳам журъатсизроқ қадам ташлаб бир қизча кириб келди. Қисқа савол-жавобдан сўнг у ўзини Хуршида Эшонқуловаман деб таништирди. Самарқанд вилоятига қарашли Оқдарё ноҳиясидаги 47-мактабнинг 11-синф ўқувчиси эканини айтди. Хуршида дорилфунун қошидаги сиртқи тайёрлов бўлимининг тингловчиси ҳам экан. У ўзбек тили ва адабиёти фанидан айрим маслаҳатлар олиш учун келибди. Уч-тўрт олим бир мунча вақт суҳбат қурдик. Қизчанинг мактаби, қишлоқдаги аҳволи ҳақида, қолаверса, илмга тегишли гаплар ҳам бўлди. Она-бола мамнун бўлиб чиқиб кетишди, деб ўйлаб қолдик. Орадан кўп ўтмай Хуршидадан мактуб олдик. Унга илова қилинган бир неча шеърлар ҳам бор эди. Лекин аввалги суҳбат куни ижодий машқлардан гап очилмаган эди. Шеърлар билан таниша бошладик. Ўша кунги суҳбатда бўлганлар шеърларни қўлдан-қўлга олиб ўқий бошлашди. Ҳамманинг ҳам таассуроти ижобий эди. Ҳар ким ўзининг юрагини «жизиллатган» жойларини айтди. Бир жойини келтирсак бўлади:

Оналар гўдакларин сариқ
ёв олиб кетди,
Аллалар жавонига марсия
солиб кетди...

Биз ҳайратда эдик: болаларни олиб кетаётган сариқ ёв — касалликлар... кимёвий моддаларнинг келтираётган кулфатлари, унинг қаршисида бешик, чақалоғини ардоқламоқчи бўлиб турган, алла айтиб ўрганган она... фавқулодда унинг алласи — орзу-ҳавасга тўла «аллалар жавони»дан «қора илон чиқиб қолди» —у бечора марсия айтиши керак!

Хуллас, Хуршиданинг шеърларини ўқиганимиз сари ҳаётни ўзига хос тарзда қуришга интилаётган, бой инсоний ҳис-туйғулари билан машқ қилаётган умидли бир инсон фарзандини, навқирон нигоҳни кўз олдимизга келтирдик.

Ниҳоят биз ҳам жим қололмадик, лоқайдликдан сақласин. Қўлга қалам олиб жонажон, жанговар, кўплаб Хуршидаларнинг суҳбатдоши, мададкори бўлмиш «Ёш ленинчи»га хат йўлладик. Биз ўз хатимизда яна ижод қилиш муҳитини яратиб берган, энг муҳими, рост ёзишга даъват қилган Хуршиданинг ўқитувчиларига, ота-оналарига қўлни кўкрагимизга қўйиб ташаккур айтишни истардик, шулар орасида Облоқул ака Содиқов ҳам борлар. Уларнинг ёш авлодни соғлом тарбиялашдек шарафли ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Албатта, Хуршида ҳали ёш. Ҳақиқий назм эса шоирлик иқтидори билан тинимсиз изланишларни, машқларни талаб қилади. Шу сабабли, азиз гўзаллик мухлислари, сиз танишаётган шеърларингизнинг айрим камчиликларини Хуршиданинг ёшлигига йўярсиз, деган умиддамиз. Хуршидага эса оқ йўл, ижодий камолот тилаймиз.

Муҳаммаднодир САИДОВ,
профессор.
Омонулло МАДАЕВ,
доцент.
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни.

АЛПОМИШСИЗ ВАТАН

Тарихнинг кўзасини кимдир синдира бошлар.
Тоғлар бегуноҳ сойнинг бўғзига қоя ташлар,
Нетай, ҳатто юлдузлар кўзин уқалаб ёшлар,
Алпомишсиз Ватанда яшаш бунчалар оғир,

Оналар гўдакларин, сариқ ёв олиб кетди,
Аллалар жавонига марсия солиб кетди,
Умидларнинг куйлаги жинларда қолиб кетди.
Алпомишсиз Ватанда яшаш бунчалар оғир,

Бибихоним рўмоли кўз-ёшга ғарқ бўлди-ёв,
Кўнгиллар косасига дардлар лим-лим тўлди-ёв,
Каптаримнинг кўзига кўр бургутлар қўнди-ёв,
Алпомишсиз Ватанда яшаш бунчалар оғир.

ЁРИЛГАН ТОШ

Мен бахтнинг ортидан мунғайиб қолган,
Лек ортга қайрилиб кетмаган жонман.
Сойларга сув элтиб, аммо ичолмай
Бугун саноқларга кирмаган сонман.


Шабнамга чўмилиб, кўз очар дунё,
Тонгда гул кўзида порлаган ёшман.
Не-не қўшиқларга бардошим етиб,
Бир синглим оҳига ёрилган тошман.

* * *

Оҳ, мени бераҳм билибди дунё:
Бахт гулин ҳидласам, сўлий бошлади.
Қўлимдан юлқиди қушлар қанотин,
Ишимдан табиат кўзин ёшлади.

Дарё бағридаги сувин қизғонар,
Лоласин тоғлар ҳам тутдилар маҳкам.
Мен бугун шундай бир жумбоқ бўлдимки,
Худонинг қўлига сиғмас калавам.

Хуршида ЭШОНҚУЛОВА.



ТВ

28 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 «Сув ости изланишлари», «Курраи-замин — умум уйимиз», Телефильмлар. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Турнахон». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Шумтака», Мультфильм. 17.50 «Хавфсиз ғилдирак», Ёш инспекторлар мусобақаси. 18.25 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 19.00 «Футбол чорраҳаларида». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Қоялар орасида». Манзарали фильм. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Ёшлар куйлаганда». Концерт. 21.00 «Амалий давра суҳбати». Жумҳуриятда ишчи кадрлар тайёрлаш ҳақида. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Фарғона педагогика институтида». 22.35 «Аёллар салтанати». Бадиий фильм («Мосфильм»). 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.40 «Китобсеварлар» (рус тилида). 18.15 «Евдокия». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 21.05 «Тожикистон лолалари». Видеофильм-концерт. 22.00 «Ахбор». 22.15 «Журавлинода ёз». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар: «Ўрмон қўйнида», «Чумчуқча». 8.35 «Олам кинокамера кўзгусида».

* * *

10.35 «Бой, камбағал...». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 17.00 И. С. Бах. Бранденбург 6-концерти. СССР Давлат камер оркестри ижро этади. 17.20 «Автомобиль, ҳайдовчи, йўл». Ҳаракат хавфсизлиги учун кураш халқаро тажрибаси. 18.00 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.30 Шеърият лаҳзалари. 18.35 «Бой, камбағал...». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 20.50 Эфирда мусиқа. 22.50 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради... «Ҳаёт лаззати ҳақида». 23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Рус халқ қўшиқларини В. Фтоменко ва Ю. Дудонов куйлайди. 8.45 Болалар учун фильм. «Арабела». 3-серия.

* * *

16.30 Ритмик гимнастика. 17.00 «Агар шу куй бўлмаганида». Ҳужжатли фильм премьераси. «Боян» рус халқ чолғулари оркестри ҳақида» («ЦСДФ»). 17.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бобо мушук». 19.45 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 19.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 20.30 Тарихий фильм. «Фиръавн». 2-серия. 22.15 «Биз у ерларда бўлганмиз». Вьетнамдаги урушда қатнашган америкалик ветеранлар ҳамда Афғонистонда бўлган совет жангчиларининг учрашуви ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Қозоқфильм»).

ТВ

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 29 июнда чиқади).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 02407. Д. — 23491.